



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТАРИХ ФАКУЛТЕТИ

**“МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ХУҚУҚ ТАЪЛИМИ”
КАФЕДРАСИ**

АХМЕДОВ АКБАР АВАЗОВИЧНИНГ

**5141500-Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият
асослари таълими йўналиши бўйича бакалавр
даражасини олиш учун**

**“МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК – ИЖТИМОИЙ –СИЁСИЙ
БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ” мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ.

Илмий раҳбар:

к. Ўқ. Абдураззоқов Г



Термиз-2012.

Миллатлараро тотувлик - ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва тараққиёт омили

К И Р И Ш

I-боб . Миллат тушунчасининг назарий асослари.

- 1.1. Миллат тушунчасининг мазмун-моҳияти
- 1.2. Миллатларнинг шаклланиши ва ривожланиши

II-боб. Миллатлараро тотувлик-барқарорлик ва тараққиётнинг омилидир.

- 2.1. Кўп миллатлилиكنинг юзага келиши.
- 2.2. Собиқ иттифокда миллий сиёсат.
- 2.3. Миллий муносабатларга ёндошувлар.
- 2.4. Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик.
- 2.5. Мустақиллик ва миллий тараққиёт.
- 2.6. Ягона Ватан туйғуси.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги: Миллий ва миллатлараро муносабатларга тааллуқли бўлган масалалар жамиятимиз тараққиётида ҳамма вақт муҳим ўрин эгаллаб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб келмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки мустақил давлатимизнинг собит қадам ривожланиши, унинг истиқболи кўп жихатдан миллий ва миллатлараро муносабатларнинг уйғунлиги билан бевосита боғлиқдир.

Собиқ иттифоқ даврида рўй берган қийинчиликлар, бир талай чигалликлар, ўта кескинлашиб кетган зиддиятлар мамлакатимиздаги аҳволни беҳад мураккаблаштирди, кишилар турмушини мушкуллаштирди, ошқоролик ва демократияни, иқтисодий ривожлантиришимизни танг аҳволга солиб қўйди. Ҳозирги пайтда жамиятимизнинг барча соҳаларида ўтказилаётган ислохатларнинг тақдири, мамлакатимизнинг келажаги кўп жихатдан миллатлараро муносабатлар қандай таркиб топишига, узоқ даврлар давомида йиғилиб қолган муаммоларни зудлик билан ҳал этилишига боғлиқ. “Шу туфайли- дейди И. А. Каримов, - миллатлараро ва элатлар ичидаги ўзаро алоқалар муаммолари стратегик аҳамиятга эга бўлиб бормоқда ва минтақада давлатлараро муносабатларни йўлга қўйишда алоҳида эътибор беришни талаб қилмоқда.” ¹

Мустақиллик нафақат сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий, балки миллатлараро муносабатларни ҳозирги замон талабларига мос ривожлантиришни ҳам талаб қилади. Мустақиллик, кенг қамровли ислохатлар, демократия ва ошқороликни ривожлантириш, миллий масалага, миллий тиллар ва маданиятлар, миллий урф-одатлар, миллий қадриятларга, ўтмиш тарихимиз, маданий меросга, диний қадриятларга, хуллас, миллий ва миллатлараро муносабатларга бевосита тааллуқли бўлган мураккаб муаммоларни ҳал қилиш учун кенг йўл ва истиқбол очиб берди. Бунинг учун зарур бўлган шарт-шароит ва имкониятларни яратиб берди.

1. И. А. Каримов . Ўзбекистон XXI аср бўсағасида : хавфсизликга таҳтид, барқорорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т. : “Ўзбекистон”, 1997 й, 76-77 бетлар.

Мустақиллик миллий масалага янгича ёндошишни, сийқаси чиқиб кетган усуллардан қатъиян воз кечишни кун тартибига қўйди. Миллий ва миллатлараро муносабатлар масаласи бўйича мавжуд бўлган муаммоларни ҳал қилиш омили уларни келтириш чиқарган, чуқурлаштириб юборган сабабларни аниқлаш ва бартараф этиш йўлларини белгилашдан, уларни янгича сиёсий ва фалсафий тафаккур асосида назарий ва амалий жихатдан идрок этишдан иборатдир.

Жамият тараққиётининг истиқболи, инсонларнинг бахт-саодати фаровон ҳаёт кечириши миллатлар, элатлар, барча ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги ҳамкорлик, ҳамжихатлик муносабатларнинг такомиллашуви билан узвий боғлиқдир. Мавжуд маълумотларга кўра, ҳозирги кунда икки юз йигирма тўққиз давлат, ўн икки мингдан ортиқ ижтимоий этник бирликлари мавжуд. Сайёрамиздаги давлатлар асосан икки турдан кўп элатли ва бир элатли давлатлардан таркиб топган. Масалан, Россия Федерациясида юздан ортиқ миллатлар ва элатлар яшайди. Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Канада, ва бошқа давлатларда ҳам кўплаб ижтимоий этник бирликларнинг вакиллари яшайди. Ўзбекистон Республикаси ҳам кўп элатлар давлатлар сирасига киради. Унда 1989 йили ўтказилган аҳоли рўйхатига мувофиқ 126 миллат ва элатлар яшайди. Ҳозир эса 136 тага етди. Ер юзида юз миллиондан ортиқ кишидан ташкил топган миллатлар ҳам шунингдек унинг ва ҳатто юз кишидан иборат бўлган. Қабилалар ва этмик гуруҳлар ҳам истиқомат қилади. Мавжуд миллатлар ва элатларнинг 1600 таси Осиё ва Африка мамлакатларда қарийб 100 таси ривожланган мамлакатларда 250 таси XX аср охирларида мустақилликни эълон қилган. Собиқ сотсиалистик мамлакатларда яшайди. Ижтимоий тараққиётнинг махсули бўлган ижтимоий этник бирликлар бир-бирларидан ўзининг турмуш тарзи турли тарихи маданияти, урф-одати, иқтисодий ривожланиши даражасига кўра фарқ қилади ҳар бир миллатнинг қиёфаси, унинг катта ва кичиклигидан қатий назар, энг аввало, ўзининг миллий онги

ва психалогияси ифодаланади. Муайян жамиятда истиқомат қилувчи ҳар бир миллатнинг маънавий қиёфаси ўша жамиятнинг моддий ижтимоий тарихий шароитларига қараб ўзгариб боради. Миллатнинг рухий маънавий қиёфаси мавжуд ижтимоий онг шаклларида ўз ифодасини топади. Ижтимоий онг прогрессив шакллари ҳар бир миллат кишиларининг рухий, маънавий қиёфаси аста-секинлик билан ўзгариб боришига олиб келади. Мана шу ўзгариш жараёнлари тарихий босқичда, прогрессив ҳам регрессив бўлиши мумкин. Бундай тарзда ижтимоий онг шакллариининг ўзгаришлари ўз навбатида кўп миллатли давлатларда негизида туради. Халқларнинг миллий ўзлигини англаш жараёнига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши муқаррардир тарих сабоқлари шундан далолат берадики, агар мавжуд ижтимоий этник гуруҳлар ўртасида ҳамжихатлик, анъанавий уйғунлик вужудга келмаган бўлса, ижтимоий иқтисодий тараққиёт жадаллашади. Миллатларнинг ва маъданиятларнинг бир-бирига таъсир кўрсатиши бу давлатларда яшаётган халқларнинг маънавий ақлий бойиши учун яхши манбаа бўлиб хизмат қилади. Аксинча кўп элатли Давлатлардаги миллатлараро муносабатларда тотувлик, ҳамжихатлик, уйғунлик, ҳамкорлик, барқарорлик мавжуд бўлмаса ижтимоий тараққиётнинг равонлашига катта путур этказилиши тайиндир. Шунинг учун ҳам кўп миллатли давлатларда истиқомат қилувчи ижтимоий этник бирликлар ўртасидаги муносабатларга эҳтиёткорлик, зийраклик билан ёндошиш муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий тараққиёт жараёнида миллий ўзликни англашининг ўсиши туфайли ўз давлатчилигига эга бўлмаган этник гуруҳлар томонидан миллий озодлик ҳаракатларини келтириб чиқариши таббий ҳолдир. Миллий озодлик ҳаракатларининг асосий мақсади-мустамлакачилик зулмини йўқ қилиш. Мустақил миллий давлатлар тузиш, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилишга эришиши, чет эл давлатларда ҳукмронлигини тугатиш, миллий кадрятларини, одамларнинг ўзига хос хусусиятлари ва анъаналарини сақлаб қолишга қаратилган объект

эхтиёжидир. “Хар қандай миллат у нақадар кичик бўлмасин инсонийликнинг бўлагидир ва хар қандай миллий бирликнинг унинг тил. Маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши ер юзидаги маданий ва фаннинг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади. Шу бокс хар бир этник бирликни сақлаб қолиш ва унга мансуб одамларнинг энг мухим мақсади бўлиши керак ва бу мақсад, биринчи навбатда, ушбу этник гуруҳларни ўз ичига олувчи хар бир аҳолида давлатнинг вазифасидир”¹ дейди И. А. Каримов.

Ўзбекистон Халқининг этник таркибида туб аҳоли устун мавқени эгаллайди. Шу билан бир вақтда республикаимиз худудида ўз маданияти ва анъанасига эга бўлган юздан зиёд миллат вакиллари яшаб турибди. Ўрта Осиёнинг туб халқлари табиатида бошқа миллатларнинг вакилларига нисбатан кенг феълликнинг мавжудлиги билан ажралиб туради. “Халқимиз, - дейди И.А.Каримов, - ва давлатимизнинг тарихий хотирасида антисемитизм, ирқчилик ва ўзга миллатга, ўзга халққа менсимасдан, хурматсизларча муносабатнинг бошқача шакллари намоён бўлган шармандали саҳифалар йўқлиги билан фахрланади”². Миллатидан қатъи назар одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига хамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам кўрсатиш Ўзбекистон халқига хос фазилатлардандир. Бу халқимиз тинчлигининг асосий манбаидир.

И.А.Каримов таъкидлаганидек, Марказий Осиёнинг бир халқини бошқасига қарама-қарши қўйиш, миллий устунлик мавжудлиги тўғрисидаги афсоналарни тарқатиш йўлидаги хар қандай уринишларнинг олдини олиш лозим. Минтақамизда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни сақлаб туриш учун миллий сиёсат юргизишда қуйидагиларни эсдан чиқармаслик керак:

- таркиб топган давлат чегараларини уларнинг дахлсизлигини тан олиш;

1. И. А. Каримов . Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997, 73-74 бетлар

2. И. А. Каримов . Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997, 81- бет.

- мустақиллик туфайли халқлар миллий ўзлигини англашнинг ривожланиши орқага қайтмайдиган жараён эканлигини ҳисобга олиш;
- минтақада яшаётган халқларнинг ўзаро яқинлиги миллатлараро муносабатларда ижобий таъсир кўрсатишини инобатга олиш;
- минтақада инбеграция жараёнлари ҳам барча халқлар кўп миллатли аҳолининг давлат вამиллий манфаатларнинг энг мақбул даражада уйғунлаштиришига асосланган ҳолда ривожланишини таъминлаш¹.

Мустақиллик даврида халқимиз азалдан орзу қилиб келган миллатлараро тотувлик, дўстлик, ҳамжихатлик, тинчликка эришган эканмиз, эндиликда бизнинг олдимизда турган долзарб вазифа ана шу олий ижтимоий – сиёсий қадриятларни қўлдан бермай, авайлаб – асраб, кўз қорачиғидай эҳтиёт қилиб сақлаб қолиш устида доимий ҳаракат қилишимиз даркор. Бунга Республикамизда яшовчи ҳар бир инсон ёшидан, миллатидан қатъи назар, ўз хиссасини қўшмоғи керак. Бунинг учун Президентимиз атрофида жипслашиб, халқ билан бамаслаҳат, бир тан бир жон бўлиб, ҳалол меҳнат қилиб мустақилликни янада мустаҳкамлашимиз даркор.

Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб битирув малакавий ишининг долзарблигини қуйидагича деб қайд қилиш мумкин:

- 1.Мамлакатлар кўп миллатли ва бир миллатли мамлакатларга бўлиниши;
- 2.Миллатлар ўртасидаги муносабатларга турли шакл ва кўринишда ёндашилганлиги;
- 3.Кўп миллатли мамлакатларда янгича миллий сиёсат миллатларнинг тотувлигини амалга оширилиши;
- 4.Кўп миллатли мамкатларда турли миллатлар ўртасида ҳамкорлик, ҳамжихатлик, тотувлик сиёсатининг амалга оширилишининг зарурлиги

1. Тулинов Ж . Фалсафий маданият ва маънавий камолат. –Т.: “Меҳнат” , 2000, 108-бет.

5. Кўп миллатли мамлакатларда халқларининг Ягона Ватан туйғусини шакллантириш зарурияти мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Битирув малакавий ишнинг мақсадлари ишнинг мақсадлари:

Биринчидан, миллат тушунчасининг мазмун моҳиятини таҳлил қиламиз.

Иккинчидан, миллатларнинг шаклланиши ва ривожланишини ўрганиш

Учинчидан, турли мамлакатларда кўп миллатлиликнинг юзага келиши масаласини таҳлил қиламиз;

Тўртинчидан, собиқ иттифокда юритилган миллий сиёсатдаги хатоларга тўхталамиз;

Бешинчидан, миллий муносабатлар тарихида миллий муносабатларга турлича ёндошувлар бўлганини таҳлил қиламиз:

Олтинчидан, миллий муносабатларга Ўзбекистоннинг ўзига хос ёндошувини таҳлил қиламиз;

Еттинчидан мустақиллик давридаги миллатлар маданиятининг раванқини кўрсатишга интиламиз;

Саккизинчидан, миллий тотувлик “Ягона Ватан” туйғусини шакллантиришни таҳлил қиламиз.

Битирув малакавий ишнинг вазифалари:

1. Миллат тушунчасининг мазмун моҳиятини баён этамиз;
2. Миллатларнинг шаклланиши тарихий тараққиёт , барқарорлик билан боғлиқ эканлигини баён этамиз;
3. Кўп миллатлиликнинг Ўзбекистонда шаклланишининг сабабларини кўрсатиб берамиз;
4. Иттифок миллий сиёсатининг хатоларига тўхталамиз.
5. Турли ҳудудларда миллий муносабатларга хилма-хил ёндошувлар ҳақида фикр юритамиз;

6. Турли хуудларда миллий муносабатларга хилма-хил ёндошувлар хақида фикр юритамиз;
7. Ўзбекистонда миллатлар маданиятининг равнақини кўрсатиб берамиз;
8. Мустақиллик даврида “Ягона Ватан” туйғусини шаклланаётганлигини асослаймиз.

Илмий янгиликлар ва эришилган натижалар:

Битирув малакавий ишида амалга оширилган янгиликлар шундай иборатки, республикаимиз жаҳон фанида кейинги вақтда эришилган ютуқлар асосида миллат тушунчасининг маъно-мазмунини янгича таҳлил қилинган, миллатлар ижтимоий тараққиётига қараб шаклланган, инқирозга учраган, яна қайтадан тикланётгани миллатлараро муносабатлардаги учта модел таҳлил қилинган, ўзбек моделининг устуворлиги асосланган кўп миллатли мамлакатда турли миллий маданиятлар равнақи, ягона Ватан ғояси таҳлил қилинган. Натижа шундан иборатки юқорида саналган масалалардаги камчилик, нуқсонлар кўрсатилди, ҳолисона улар хақида фикр билдирилди.

Ишнинг амалий аҳамияти:

Битирув малакавий ишлар баён этилган ғоялар, ҳулоса, тақлиф ва тавсиялар асосида аҳоли ўртасида айниқса турли миллатли, элатли жамоаларда маънавий — маърифий тадбирларни кучайтиришда, миллатлараро тотувликни, барқарорликни шакллантиришда ёрдам беради.

Ишнинг методологияси:

Битирув малакавий ишининг методологияси Ўзбекистон Республикаси И. А. Каримовнинг асарлари, маърузалари, нутқлари табриклари интервьюлари, республикаимиз олимларининг асарлари ҳисобланади.

Ишнинг методлари

Битирув малакавий ишини баён этишида умумфалсафий методлардан кузатиш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тарихийлик ва мантикийлик, абстрактлик ва конкретлик, аналогия методларидан фойдаланилди.

Ишнинг ҳажми.

Битирув малакавий иши кириш, икки боб саккизта параграф, хулоса, таклиф ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми _____ бетни ташкил этади.

Тадқиқот объекти ва предмети:

Битирув малакавий ишнинг тадқиқот объекти Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг миллатлараро муносабатлар масаласига бағишланган асарлари, шунингдек республикаимиз олимларининг ушбу масалага бағишланган асарлари ҳисобланади. Унинг предмети эса миллатлараро тотувлик – ижтимоий –сиёсий барқарорлик ва тараққиёт омили эканлиги масаласини таҳлил қилишдан иборат.

Фойдаланилган адабиётларнинг таҳлили:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (-Т.:2010) (1) мамлакатимизнинг асосий қонунлари, хусусан фуқаролар, миллат ва элатлар тенглиги ҳақида фикрлар билдирган.

“Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонуни (-Т.: 1997) (2) да таълимнинг босқичлари, мақсад ва вазифалари баён этилган.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” (-Т.: 1997), (3) Қонунда ҳам миллий таълимнинг мақсад ва вазифалари баён этилган.

И. А. Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” (-Т.:1992) (4) асарида республикаимиз мустақиллигидан кейин амалга оширилган.

И. А. Каримовнинг “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат” (-Т.: 1992) (5) асарида мамлакатимизни буюк давлатга баён эшитилган.

И. А. Каримовнинг “Ўзбекистон ХХІ аср бусағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” (-Т.: 1997) (6) асарида Ўзбекистондаги таҳдидлар уларни бартараф этиш масалалари ёритилган.

И. А. Каримовнинг жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин” (-Т.: 1998) (7) асарида мафқуранинг инсон, жамият ҳаётидаги ўрни баён этилган.

И. А. Каримовнинг “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида” (-Т.: 1999) (9) асарида ХХІ аср бўсағасида мамлакатимизнинг устувор вазифалари баён этилган.

И. А. Каримовнинг “Миллий истиқлол мафқураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир “(-т. 2000) (10) асарида миллий ғояни инсон онгига сингдириш масалалари баён этилган .

И.А.Каримовнинг “Республиканинг байналминал маданияти маркази ташкил этилганлигининг 10 йиллигига бағишланган тантанали мажлис

катнашчиларига табриги” (-Т.; 2002.) (11)га марказнинг 10 йил ичида эришган ютуқлари, ахамияти, вазифалари баён этилган. И.А.Каримовнинг “Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар , деб ҳисоблашар эди” (-Т.:2005).[12] асри-“Независимая” (Россия) газетаси муҳбири Т. Панфилованинг саволларига берилган жавоблари баён этилган.

И.А. Каримовнинг “Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди” (-Т: 2005) [13] асарида халқимизни тинчликсевар халқ эканлиги, ҳеч кимдан қам эмаслиги такид қилган.

И.А. Каримовнинг “Юксак маънавият енгилмас қуч” (-Т.:2008) [14] асарида халқимизнинг маънавиятлилиги, маънавиятнинг инсон, жамият, миллат ҳаётидаги ўрни баён этилган.

И.А.Каримовнинг “Адабиётга эътибор-маънавиятга, келажакка эътибор ” (-Т.: 2009) [15] асарида адабиёт маънавиятнинг таркибий қисми эканлиги, унинг вазифалари баён этилган.

Д.Алимова, А. Голавановларнинг “XX аср-муаррих нигоҳида” (-Т.:2002) [16] мақоласида XX асрга икки тарихчининг муносабати берилган.

А. Бегматовнинг “Маънавият фалсафаси ёхуд И,А,Каримовнинг асарларида янги фалсафавий тизимнинг яратилиши” (-Т.: 2000) [17] асарида маънавият фалсафасининг мазмун моҳияти таҳлил қилиниши.

Ҳ.Бобоев, З. Ғофуровнинг “Ўзбекистонда сиёсий ва маънавия-маърифий таълимотлар тарихи” (-Т.:2001) [18] китобида юртимизда маънавият, сиёсий тараққиёт таҳлил қилинган.

“Ватан ва миллат муқаддасдир ” (-Т.: 2000) [19] тўпламида Ватан ва миллатнинг муқаддаслиги баён этилган.

“Ватан юракдаги жавохир” (-Т.: 2001) [20] тўпламида Ватан, Ватанпарварлик, миллий қаҳрамонларимиз ҳақида фикр юритилди.

А. Жалиловнинг “Мустақиллик маъсулияти” (-Т.: 1996) [21] тўпламида мустақилликнинг муҳим масалалари ҳақидаги мақолалар берилган.

Гликерья Кимнинг “Эзгулик ва бахт-саодат ғояси ” (-Т.:2000) [22] мақоласида корейс миллати вакилларига муносабат баён этилган.

А. Иброҳимовнинг “Биз ким, ўзбеклар....” (-Т.:1999) [23] китобида ўзбек халқи ва унинг аجدодлари ҳақида туркум мақолалар берилган.

А. Иброҳимов, Х. Султонов, Н. Жўраевларнинг “Ватан туйғуси” (-Т.: 1996) [24] тўплamlарида кўплаб атама , тушунчаларнинг мазмуни – моҳияти таҳлил қилинган.

М.Имомназаровнинг “Маънавиятимизнинг такомил босқичлари” (-Т.:1996) [25] асарида ўзбек миллий маънавиятининг шаклланиши ва ривожланиши баён этилган.

М.Имомназаровнинг “Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар” (-Т.:1996) [26] асарида маънавиятимизнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Исматуллох Абдуллохнинг “ Маънавият ва маърифат ” (-Т.:1996) [27] мақоласида маънавият ва маърифатнинг инсон ҳаётидаги ўрни таҳлил қилинган.

И. Каримовнинг “ Миллат шаъни” (-Т.:2005) [28] рисоласида миллатнинг хусусиятларини таҳлил қилинган.

А. Мавруловнинг “маънавий баркамол инсон тарбиясини ” (-Т.: 2008) [29] рисоласида баркамол инсон тарбиясида маънавиятнинг роли баён этилган.

“Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – тараққиёт омили” (-Т.: 2003) (30) шу масалага бағишланган мақолалар тўпламидир.

“Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – тараққиёт омили” (-Т.: 2003) (30) . шу масалага бағишланган мақолалар тўпламидир .

“Миллий ғоя ва рахбар маънавияти” (-Т.: 2007) (31) тўпламида маънавият ва унинг инсон, жамият ҳаётидаги ўрни, маънавий таҳдидлар ҳақида фикрлар билдирилган.

“Мустақиллик. Изоҳли илмий – оммабоп луғат (-Т.:2009) (32) китобида мустақиллик даврининг долзарб тушунчалари баён этилган.

А. Очилдиевнинг “Миллатлараро тотувлик – барқарорлик ва тараққиёт омили” (-Т.: 2005) (33) рисоласида тотувлик ғояси таҳлил қилинган.

С. Отамуродов, С. Отамуродовнинг “Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш” (-Т.: 2003) (34) китобларида миллий масала, миллий тикланиш масалалари ёритилган.

Ж. Тўлинов, З. Тафуровларнинг “Мустақиллик ва миллий тикланиш” (-Т.: 1996) (35) асарларида мустақиллик даврида миллий тикланишга доир масалалар талқин қилинган.

Қ. Хоназаровнинг “Мустақиллик ва миллий муносабатларнинг ривожланиши” (-Т.: 2001) (36) асарида миллий масалалар, миллатлараро муносабатлар таҳлил қилинган.

Х. Худойбердиев, Ғ. Мамаражабовларнинг “Ҳозирги даврда этник муносабатларга ёндошувлар”, “Сурхон воҳасининг ижтимоий-иқтисодий, моддий-маънавий маданияти” Республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами (-Термиз 2011) (37) мақолада этник муносабатларга замонавий ёндошувлар таҳлил қилинган.

Х. Худойбердиевнинг “Ўзбекистон мустақиллик даврида миллатлараро тотувлик” (-Термиз: Илм –фан жашмаси, 2011 , № 7.30 сентябр) (38) ақоласида миллатлараро тотувлик масаласи баён этилган.

А. Эркаевнинг “Маънавият – миллат нишон” (-Т.: 1999) (39) китобида миллий маънавият масалалари таҳлил қилинган.

А. Эркаевнинг “Миллий ғоя ва маънавият” (-Т.: 2002) (40) асарида миллий ғоя ва маънавиятнинг ўзаро алоқаси, жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни баён этилган.

Термиз Давлат Университети , тарих факултетининг битирувчиси Аҳмедов Акбар Авазовичнинг 5141500 Маънавият асослари ва Ҳуқуқ таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун “Миллатлараро тотувлик – ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва таррақиёт омили” мавзусидаги битирув малакавий ишининг муаллифлик

АННАТАЦИЯСИ

Мавзунинг долзарблиги : 1. Мамлакатлар кўп миллат ва кам миллатли мамлакатларга бўлиниши; 2 . Миллатлар ўртасидаги муносабатларга турли шакл ва кўринишларда ёндошилганлиги; 3. Кўп миллатли мамлакатларда янгича миллий сиёсат – миллатларнинг тотувлигини амалга оширилиши; 4 .Кўп миллатли мамлакатларда турли миллатлар ўртаси тотувлик, ҳамкорлик, ҳамжихатлик, сиёсатининг амалга оширилишнинг зарурлиги; 5. Кўп миллатли мамлакатлар халқларнинг ягона Ватан туйғусини шакллантириш зарурияти мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Тадқиқотнинг мақсадлари: 1. Миллат тушунчасининг мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш; 2. Миллатларнинг шаклланиши ва ривожланишини ўрганиш; 3. Турли мамлакатларда кўп миллатлиликнинг юзага келиши масаласини таҳлил қилиш; 4. Собиқ иттифоқда юритилган миллий сиёсатдаги ҳатоларга тўхталиш; 5. миллий муносабатлар тарихида миллат муносабатларига турлича ёндошувлар бўлганини таҳлил қилиш;

6. Миллий муносабатларга Ўзбекистоннинг ўзига хос ёндошувини таҳлил қилиш; 7. Мустақиллик давридаги миллатлар маданиятининг

равнақини кўрсатиш; 8. Миллий тотувлик “Ягона Ватан” туйғусини шакллантиришни таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг вазифалари : 1. Миллат тушунчасининг мазмун-моҳиятини баён этиш;

2. Миллатларнинг шаклланиши тарихий тараққиёт, барқарорлик билан боғлиқ эканлигини баён этиш ,

3. кўпмиллатлилик Ўзбекистонда шаклланишини сабабларини кўрсатиб бериши; 4.Иттифоқ миллий сиёосатининг хатоларига тўхталиш; 5.Турли ҳудудларда миллий муносабатларга хилма-хил ёндошувлар ҳақида фикр юритиш; 6.Ўзбекистонда миллатлараро тотувликнинг шаклланишини баён этамиз; 7. Ўзбекистонда турли миллатлар маданиятининг равнақини кўрсатиб бериши; 8. Мустақиллик даврида “Ягона ватан “ туйғусири шакллантираётганини асослаб бериш;

Тадқиқотнинг объекти ва предмети;

Битирув малакавий ишини тадқиқот объекти Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг миллатлараро муносабатлар масаласига бағишланган асарлари, шунингдек Республикамизнинг олимларнинг ушбу масалага бағишланган асарлари ҳисобланади, унинг предмети эса миллатлар аро тотувлик – ижтимоий –сиёсат бартарафлик ва тараққиёт омили эканлиги масаласини таҳлил қилишдан иборат

Тадқиқот натижаларининг илмий жихатдан янгилик даражаси амалий аҳамияти ва тадбиғи.

Битирув малакавий ишида амалга оширилган янгиликлар шундан иборатки.

Республикамиз жаҳон фанида кейинги вақтда эришилган ютуқлар асосида миллатлар тушунса шунинг маъно-мазмунини янгича таҳлил қилишган, миллатлар ижтимоий тараққиётга қараб шакланган, инқирозга учраган, яна қоплаган тиклангани, миллатлараро муносабатларига ўрта модел таҳлил қилинган ўзбек моделининг устуворлиги асосланган, кўп миллатли

мамлакатда турли миллий маданиятлар равнақи, ягона Ватан тахлил қилинган ва натижа шундан иборатки саналган масалалардаги камчилик, нуқсонлар кўрсатилди, ҳолисона улар ҳақида фикрлар билдирилди. Битирув малакавий ишининг тадбири шундан иборатки, тадқиқотга баён этилган халқлар, ҳулоса, тақлиф ва тафсилотлар асосида аҳоли ўртасида, миллатлараро тотувликни, барқарорликни шакллантиришда ёрдам беради. Ишнинг тузилиши ва тартиби: кириш, икки боб, саккизта параграф, ҳулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ҳулоса, тақлиф ва тафсилотлар.

1. Инсоният тарихида ижтимоий тасаввурига қараб кишиларнинг тарихий бурилишлари танланади ва ривожланади.
2. Миллатлар энг қадимий, ва ўрта аср миллатлари, янги оз миллатли мамлакатлар ҳисобланади:
3. Дунёдаги мамлакатларнинг аксарияти кўп миллатли 20 га яқини оз миллатли мамлакатлар ҳисобланади:
4. Яқин ўтмишда собиқ иттифокда ўтказилган миллий сиёсатдаги зўравонликда ўзини оқлашди.
5. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар тотувлик, ҳамкорлик, ҳамжихатлигини, бағрикенгликка асосланган.
6. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ўзаро таъсири ва яхши тарафлари муносабатга асосланган.
7. Ўзбекистонда “ягона Ватан” туйғуси шаклланган .

ТАҚЛИФЛАР:

1. Мамлакатимизда кўп миллатли аҳолининг XXI асрдаги реал ҳолатларни аниқлаш зарур.

Аҳоли рўйхатини ўтказиш керак .

2.Кўп миллатлиликини инобатга олиб Республикада миллатлараро тотувлик масаласига бағишланган Республика илмий-назарий конференциясини ўтказиш зарур.

3.Кўп миллатли жамоаларга қонуний саҳоватлик тадқиқотлар ўтказиш керак.

4. ОАВ ларида кўп миллатли жамоалар ҳақида кўплаб мақолалар эълон қилиш керак.

ТАВСИЯЛАР.

1. Олий ўқув юртларида кўп миллатли жамоаларнинг машҳур вакиллари билан учрашувлар ўтказишни йўлга қўйиш керак.

2. Турли миллатларнинг ёзувчи, шоирлари асарларини ўзбек тилида нашр қилишни кучайтириш лозим.

3. “Мустақиллик ва миллий муносабатлар тараққиёти ” курсини 1-блок фанлари сифатида киритиш зарур.

1. 1. Миллат тушинчасининг мазмун-моҳияти.

“Миллат” тушунчаси энг қадимий атамалардан бири бўлиб, асрлар давомида одамларнинг диққатини ўзига тортиб келмоқда. Бундай ҳолатни тушуниш мумкин, чунки ҳаётимизнинг ҳар қадамида биз миллатларга, уларнинг фарқларига, тилларига, урф-одатларига, турмуш тарзларига ва бошқа жиҳатларига дуч келамиз. Ва табиийки, ҳар биримизда “миллат ўзи нима, қачон ва нима сабабдан пайдо бўлган, оламда нечта миллат бор, уларнинг ўзаро фарқлари нималардан иборат?” каби ўнлаб саволлар туғилади. Мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳар бир фуқароси бу саволларга тўла ва аниқ жавоб олиши керак.

“Миллат” сўзи ўзбек тилига араб тилидан кириб келган, чунки ислом дини минтақалар бўйлаб VII-VIII асрлардан бошлаб кенг тарқалгандан сўнг араб тили ислом дини оламининг умумий илм -фан тилига айланган. Шу асрлар давомида ўзбек тилига араб тилидан яъни Қуръони карим ва Ҳадису шариф тилидан, минглаб сўзлар кириб келган. Шуларнинг бири “миллат” сўзи эди.

Араб тилида “миллат” сўзи ўтмиш даврларда “ислом динидаги халқ” маъносини билдирган. Асрлар ўтмиши билан “миллат” сўзининг маъноси аста-секин ўзгарган

Ҳозирги даврда биз, миллат деганда умумий тилда сўзлашиб, бир бутун умумий ҳудудда истиқомат қилиб турган, бирга иқтисодий ҳаёт кечирадиган, умумий майдони, маънавий ва руҳий муҳитга эга кишиларнинг тарихий шаклланган барқарор бирлигини тушунамиз.

Демак, миллатнинг таърифи анчагина мураккаб ва қатор омил ҳамда жиҳатларни ўз ичига олади, миллат тўғрисида аниқ ва ҳар томонлама тўла маълумот олмоқ учун саккиз амал кўзда тутилиши керак. Улар тил, ҳудуд, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавий, руҳият, тарих ва барқарорлик.

Миллат тўғрисида сўзлаганда, биринчи ўринга умумий тил масаласи қўйилади. Чунки миллат вакиллари бир-бирларини тушунишлари,

Ўзларнинг мақсадаларини аниқлашлари, бир фикр ва қарорга келишлари шарт. Шу боисдан умумий тил масаласи, кишилар бир-бирларини тушуниш воситаси масаласи, ўша муҳим масала. Аммо, маълумки, ҳар бир тил одатда турли ҳудудий шевалардан ташкил топган. Шевалар умумий миллий тилнинг шахобчалари ва шохларидир. Улар умумий миллий тилни инкор этаолмайдилар. Баъзида шевалар бир-бирларидан жуда жиддий фарқ қиладилар (масалан, Хитой ва Олмон тилларида) ва шеваларда сўзлашувчилар бир-бирларини тушунмасликлари ҳам мумкин. Бунақа ҳолатда умум миллий адабий тил шаклланади ва шеваларда сўзлашувчилар бу умум тилни билишлари шарт.

Ўзбек миллатини оладиган бўлсак, бизнинг умумий миллий тилимиз мавжуд. Бу тилда Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон ва Ойбеклар ижод қилганлар ва ҳозирги замон ўзбек ёзувчилари, шоирлари бу тилни янада бойитмоқдалар. Ўзбек тилида ҳудудий шевалар кўп. Лекин, уларнинг ўзаро жиддий эмас, шу боис мамлакатимизнинг барча вилоятлари аҳолиси вакиллари бир-бирларини тушунишларига ҳалиқит бермайди, ўзбек миллатининг ривожланишини тезлаштиради.

Тилнинг жамиятда нақадар муҳим ўрин эгаллаб туришини шундан ҳам билсак бўладики, “жамики эзгу фазилятлар инсон қалбига, аввало она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади ...”

Она тили-бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши “муқарар”¹, дейди Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов

Ўзбек миллатининг, ўзбек тилининг истиқболи ҳақида ўйлар эканмиз, Президентимизнинг ана шу фикрлари диққат доирамизда бўлиши керак. Миллатнинг иккинчи белгиси ёки сифат аломати-унинг бир бутун ҳудудда истиқомат қилишидир. Бир бутун яхлит ҳудуд кишиларнинг мулоқатини енгиллаштиради, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишини

1. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафқураси-халқ этикоди ва буюк келажакга ишончдир.-Т.: “Ўзбекистон”, 2000, 23 бет.

осонлаштиради. Худуднинг сифатлари ва кўрсаткичлари миллатнинг ривожланишига, бу ривожланишнинг сўратларига салбий ёки ижобий таъсир этиши мумкин.

Ўзбек миллатининг худуди жахонда энг қулай ва серунум ерлардан бири дейиш мумкин. Ўрта Осиёнинг енгил ўзлаштириладиган ерлари асосан Ўзбекистон худудида жойлашган. Марказий Осиё давлатлари жойлашган ерларнинг тарихий шаклланиши шундай бўлганки, ҳозирги пайтда масалан, Қозоғистон ерларининг деярли учдан икки қисми тақирлар ва чўлу биёбонлар. Қирғизистон худудининг худди шунчаси денгиз сатҳидан ўрта ҳисоб билан 1500 метрдан 4500 метргача баландликда жойлашган, чорвачилик ҳамда йилқичилик қулай, аммо шаҳар маданиятини ривожлантиришга ноқулай яйловлардир. Ён қўшнимиз-жон қўшнимиз бўлмиш Тожикистонда Давлат худудининг учдан икки қисмида яъни тик қоялар, чуқур жарликлар ва осмон ўпар тоғлардан иборат. Асрлар давомида биз билан ёнма-ён яшаб келаётган Туркманлар Давлати худудининг деярли саксон фоизи Қорақум чўли ва саҳролардир. Қўшни давлатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда бутунлай бошқа нисбатни кўрамиз: миллий худудимизнинг саксон фоизи суғориладиган ва лалмикор ерлардир, боғу-роғлар кўркида гуллаб яшнаётган қишлоқлар ва шаҳарлардир.

Ўзбекистон худуди-табиати бизга инъом этган бебаҳо бойликдир. Ана шу боисдан миллий худудимизда азалдан инсоният маданиятининг йирик марказларидан бири жойлашган. Ўрта Осиё маданиятининг юраги ва негизи Ўзбекистон маданиятидир. Ўзбекистон худудидан ташқаридан жойлашган, лекин ўтмишда асосан ўзбек аҳолисига эга бўлган Чимкент (ҳозирги Шимкент), Ўш, Авлиё-ота (ҳозирги Тараз), Оқ-Мачит (ҳозирги Қизил ўрда), Туркистон, Тошҳовуз (ҳозирги Ташауз) каби шаҳарлар ўз маданиятини Ўзбекистондан ташқарига тарқатувчи таъсир нуқталари бўлиб хизмат қилганлар.

Миллий ҳудудларимизнинг бундай имтиёзли томонлари халқимизни Марказий Осиёнинг бошқа халқларидан устун бўлишига эмас, балки уларнинг бирлашишига, жипслашишига хизмат қилган. Ўзбекистоннинг ўнлаб мадрасалари ва ўқув масканларида минглаб туркман, қozoқ, қирғиз ва тожик ёшлари таълим олганлар, ўз билимлари билан Марказий Осиё халқларининг умумий манфаатларга интилишларини, умум тушунча ва дунёқарашларини мустаҳкамлаганлар.

Ўзбекистон шаҳарлари, бозорлари, дўконлари, ҳунармандчилик расталари ва қаторларида қўйишни халқлар ўзлари ишлаб чиқарган турли молларини, ўстириб етказган қора мол ва йилқиларини сўйиб ўрнига – узун хилма- хил эҳтиёжларини қондирадиган нарсаларни ҳарид қилганлар. Бу фикр шу билан тасдиқланадики, Марказий Осиё халқларининг тарихи синчиклаб ўрганар эканмиз, уларнинг ўртасида низо, қонли тўқнашув, ғанимлиқ даврларини учратмаймиз.

“Ўзбекистон – келажаги буюк давлат” деганда Президентимиз, жумладан, Ўзбекистон ҳудудининг қулайлиги, унумлилиги, табиат томонидан инъом этилган бойликларни ҳам кўзда тутди ^{“1”}.

Миллатнинг ўзига хос учинчи хислати унинг – иқтисодий жиҳатдан бир-бири билан боғлиқ қисмлардан иборатлигидандир. Бу масала икки хил тарзда қўйилиши мумкин.

Биринчидан, миллий ҳудуд қисмларидан иборат бўлиши мумкинки, қисмлардан ҳар бири иқтисоднинг маълум соҳаси бўйича ихтисослашиб, бошқа қисмларга ўз маҳсулотини беради ва улардан ўз эҳтиёжига тегишли нарсаларни олади. Бундай ҳолатни деярли барча миллатларда кузатиш мумкин. Масалан, Ўзбекистоннинг баъзи қисмлари чорвачилик, баъзи қисмлари мевачилик ёки бошқа соҳа бўйича мутахассислашган. Шу асосда ҳар бир миллат ҳудудида, ҳудуднинг товар айирбошлаш мавжуд. Бундай айирбошлашни фақат давлат йўлидан расмий товар айирбошлаш тарзида

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон-келажаги буюк давлат. –Т.: “Ўзбекистон”, 1992, 52-54 бетлар.

фараз қилиш етарли эмас.Бу жараённинг кўпгина қисми бевосита аҳоли томонидан кундалик ҳаёт эҳтиёжлари билан шуғулланиш жараёнида амалга ошади.Бундай жараён ва ҳаёт кечиришга мойиллик табиийдир,чунки бундай ҳолатда иқтисодий чиқимлар ниҳоятда камайтиради. Унинг энг “етук кўриниши”-ўзини ўзи таъминловчи натурал хўжалиқдир. Аммо, амалиёт шуни кўрсатадики , бундай бузукликка интилиш йил сайин сиқиб чиқарилмоқда, миллат қисмларининг ва миллатларнинг ўзаро боғланиши кенгайиб ва мустаҳкамланиб бормоқда.

Миллат иқтисодий ҳаётининг бирлиги ва умумийлигининг муҳим томонларидан бири - миллатнинг иқтисодий мустақиллигини таъмин этишдир.Ҳозирги замон иқтисодий ҳаёти шу қадар серқирра ва жадал суръатлар билан амалга ошмоқдаки, ҳар бир миллатнинг иқтисодий ҳаёти ўз миллий ҳудуди чегаралари билан чекланиши мумкин эмас.Ташқи иқтисодий алоқаларсиз, ташқи савдосиз бирорта ҳам миллат ёки давлат ҳозирги замон талаблари даражасида кун кечираолмайди. Аммо иқтисодий ҳаётнинг асосий тамойил ва талабларидан бири,- миллат ўз давлатидан мумкин қадар кўпроқ товарни чиқариб сотсин,халқаро бозорда пулласин ва мумкин қадар камроқ товарни четдан сотиб олсин. Бу миллатни , миллий давлатни бойитишнинг, мамлакат фаровонлигига эришишнинг муҳим йўлларида биридир.

Миллат четдан қанча кўп мол киритса , шунча маблағ,бойлик четга чиқиб кетади, демакдир.Ва аксинча , миллат ўз ҳудудидан кўпроқ товарни халқаро бозорга сота олса, у шу қадар бойийди. Бунинг учун эса миллат, миллий давлат халқаро бозорда рақобат бардош маҳсулот ишлаб чиқара олиши керак.

Мустақил Ўзбекистон ўз миллий иқтисодий сиёсатини амалга ошираркан, бу тамойилларга амал қилмоқда.Мустақиллик йилларида Ўзбекистон эришган катта ютуқларидан бири- мамлакатимизнинг бу ютуғи ўз навбатида Ўзбекистоннинг турли қисмлари орасидаги иқтисодий

муносабатларни янада мустаҳкамлайди, ўзбек миллатининг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлигини янги даражага кўтарди.

Миллатнинг тарихан ташкил топган барқарор бирлик сифатида ўзига хос тўртинчи белгиси унинг миллий маданияти, умумий хулқ - атвори ва миллий менталитетининг мавжудлигидир. Миллатнинг бу ҳислатлари осмондан тушмайди, тайёр холда қандайдир ғайри-табиий куч томонидан миллатга инъом этилмайди. Миллий маданият миллатнинг хулқ –атвори, миллий фикр юритиш усули, яъни менталитети миллатнинг шаклланиш жараёнида баъзида бир ўн йил, баъзида бир неча аср давомида юзага келади. Бу ҳислатлар ва ўзига хос томонларнинг тез ёки секин шаклланиши тарихий шароитларга боғлиқдир.

Маълумки, маданият моддий ва маънавий қисмлардан иборат. Ишлаб чиқариш жараёни кишилар яшаб турган муайян ҳудудга боғлиқ бўлгани сабабли, ҳудуднинг жўғрофий шарт-шароитлари, ўзига хос томонлари моддий ишлаб чиқариш маданиятига чуқур таъсир кўрсатади.

Аммо “маданият” деганда, одатда, биринчи навбатда, маънавий маданият, яъни адабиёт, санъат, фан, фалсафа, халқ ижоди ва бошқалар тушунилади. Маънавий маданият атроф оламни билиш, ақлан ўзлатириш, унинг тўғрисида маълум хулосага келиш жараёнидир. Атроф олам барчамиз учун умум макондир. Ва, айтилиши мумкин, бу макон ўз тузилиши, табиати бўйича ҳар бир минтақада бошқа-бошқа. Ер сатҳининг ранг-баранглиги масаланинг бир томони. Унинг бошқа, иккинчи томони шундан иборатки, атроф оламни, табиатни, жамиятни англаш, тушуниш шу асосда уларнинг энг умумий қонун ва тамойилларини белгилаш ҳар бир халқда ва ҳаттоки ҳар бир одамлар ўзига хос бўлиши мумкин. Чунки олам, жамият ва инсонда шу қадар турлики, уларни ҳар бир инсон турлича қабул қилиши, тушуниши ва тушунтириши ҳам табиийдир.

Миллий маданиятнинг шаклланишида, атроф-муҳит, жуғрофий омиллар, миллатнинг тарихи, унинг бошдан кечирган воқеалари ва

жараёнлари, унга атроф кўшини халқларнинг таъсирини англашда, шу миллат мутафаккир ва жамоат арбоблари муҳим рол ўйнайдилар. Бу қоида ўзбек миллати миллий маданиятнинг шаклланиши жараёнида яққол билинди ва билинмоқда. Ўзбек миллий маданияти мавҳум, қандайдир номаълум муҳитда юзага келган ва шу муҳитда бойимоқда, ривожланмоқда. Миллатимизнинг ҳар бир ашуласида, ривоятида, ҳикоя ва достонида у яшаб турган муҳит ўз аксини топади, иштирок этади.

Миллий маданиятнинг шаклланиши жамиятдан ташқарида эмас, балки у билан бирга, у орқали амалга ошади. Демак, миллий маданиятни тушунмоқ учун, миллатнинг тарихини унинг барча пасту баландликларини тўла билмоқ зарур. Ўзбек миллатининг маданияти Амударё ва Сирдарё оралиғи ҳамда унинг атрофидаги ерларнинг тарихи, бу серунум ерлар, боғу роғлар гўзал водийлар, ишлов берилган миллион гектарлаб далалар, ўнлаб ва юзлаб шаҳарлар, маданият марказлари, зиё масканларини яратиш, нияти уларни душман ҳамласидан ҳимоя қилиш ва бойитиш жараёнида шаклланган.

Ўзбек миллий маданиятининг яна бир диққатга сазовор жойи шундан иборатки, у бошқа миллат маданиятлар, шу жумладан, кўшни халқлар маданиятларидан ҳар бир вақт узилиб қолган эмас, уларнинг энг яхши ҳислат ва хоссаларини қабул қилиб олган, ўзига сингдирган. Бу жараён ҳозирги даврда янада кенгаймоқда: туркманларнинг гилам тўқишгани бетакрор санъати, қозоқларнинг чорвачиликдаги кўникмалари ва бошқа, халқларнинг ҳаётнинг турли соҳаларидаги ютуқлари халқимиз томонидан ўрганилган ва ўрганилмоқда. Рудакий, Жомий, Саъдийлар тожик дўстларимиз учун қанчалик ҳурматли бўлса, ўзбеклар учун шу даражада қимматлидир. Ўзбек миллий маданиятига Абай Қўнонбоев, Мухтор Авезов, Маҳтумқули ва Тўхтағул таъсир кўрсатиб келганлар. “Манас” эса Ўрта Осиё халқлари оғзаки оғзаки ижодининг энг юксак чўққиси бўлиб қолади.

Миллат тўғрисида сўзлар эканмиз, унинг хулқ-атвори деган иборани ҳам ишлатиш мумкин. Миллатнинг хулқ-атвори унинг муомала ва унинг руҳий хусусиятлари мажмуини, миллатга одат бўлиб қолган, такрорланиб турадиган хатти- ҳаракатларини, унинг раъйини, феъл мойилликларини билдиради. Миллатнинг хулқ-атвори, юқорида таъкидлаб ўтилганидек , миллатга тайёр ҳолда берилмайди, балки миллатнинг тарихий аста- секин шаклланиш шароитида юзага келади. Жаҳон халқларининг ҳаётини ўрганиб, уларни қиёслар эканмиз, бирлари қизилқон, жўшқин, серзавқ эканлигини, баъзилари эса, аксинча, босиқ, совуққон, вазмин ва оғир эканлигини кўрамиз. Бу икки асосий тур миллатлар билан бир қаторда бундай ҳислатларни ўзида турлича мужассамлаштирилган бошқа миллатларни мавжуд. Миллатларга мансуб бундай ҳислат ва хусусиятларни ўрганиш шуни кўрсатадики, булар миллатнинг яшаш шароитлари, муайян ўзига хос тарихи, бошқа миллатлар билан муносабатлари каби конкрет шарт- шароитлар билан боғлиқдир. Бу жиҳатдан олганда, худди кишилар қанчалик ҳар хил ва турли- туман бўладилар.

Албатта, совуққон миллат орасида қизилқон кимсалар ҳам учраб қолади. Ва, аксинча, қизилқон миллатлар орасида совуққон кишилар ҳам учраб туради. Аммо, бундан “ҳа ундай бўлса миллатларни ажратиш қийин эканда ” деган хулоса келиб чиқмайди. Бу масалага кенг ёндошилса, миллатларнинг маълум бир кичик гуруҳи эмас, балки катта гуруҳлари қиёсланса, биз миллатлар нақадар турли эканининг шохиди бўламиз. Биз шунинг учун ҳам бу нарсага эътиборни жалб этмоғимиз лозимки, миллатларнинг кўнгли, феъли нақадар нозик эканлиги ана шу хулқ-атвори орқали, айниқса, аниқ билинади. Ўтмишда ҳукмрон бўлган мафкуранинг миллий масалада заиф томони миллатларнинг хулқ-атвори, миллий онги, миллий ифтихорини инобатга олмаслик эди. “Ҳар бир инсоннинг, миллатидан қатъи назар асосий истаги қорнини тўйғазиш, яхши кийиниш,

турар жойга эга бўлиш, ўз вақтида текин тиббий ёрдам олиш. Шу талаблар қондирилса, ҳеч бир киши миллатини эсламайди. Шунинг учун миллий масала ўз аҳамиятини йўқотади”, деб ўргатарди, у мафкура. Холбуки, худди шу бирламчи эҳтиёжлар қондирилгандан сўнг, инсон ўзининг ким эканлигини, бу миллатнинг инсоният олдидаги хизматлари нимадан иборат эканлигини суриштира бошлайди.

Юқорида айтилган фикрлардан тушуниш мумкинки, жамият қанчалик тараққий этган бўлса, унда илм-фаннинг, маънавият ва мафкуранинг ривожланиши учун қулай вазиятлар яратилган бўлса, ўша жамиятда миллий ҳис, миллий ифтихор, миллий ўзлик, миллий онг ва миллий ўз-ўзини англаш шу даражада юқори, бой ва ранг-баранг бўлади. Ривожланган жамиятнинг ривожланмаган жамиятдан фарқи ривожланган жамиятда шу ҳисларнинг йўқлигида эмас, балки маданиятли кишилар оқилона фирк юритиб, бу ҳисларни олд қаторга чиқармаслигидадир.

Миллат тўғрисида сўзлаганда яна бир кўзда тутилиши лозим бўлган нарса шундан иборатки, миллат тарихан ташкил топган бирликдир. Миллатни кўрсатма, қарор ёки буйруқ асосида яратиб бўлмайди. Унга хос бўлган тил бирлиги, ҳудуд бирлиги, иқтисодий ҳаёт бирлиги, маданияти, урф-одат ҳуқуқ бирлиги четдан инъом этилган тайёр нарса эмас. Улар аста-секин миллатнинг амалиёти жараёнида юзага келади. Ана шу жараёнда миллий бирлик ҳиси шаклланади.

Миллатнинг асосий белгиларидан бири унинг барқарор бирлик эканлигидандир. Яъни ҳар қандай революция, инқилобий ўзгаришлар, миллатга нисбатан зўравонлик сиёсати ва мажбурийлик тамойили ҳеч бир вақт миллатни тарқатиб юборолмайди. Аксинча, бундай тадбирлар миллатни янада жипслаштиради. Бунинг ёрқин мисолини 1943-1944 йилларда собиқ иттифокда миллий ҳудудлардан мажбуран кўчирилган халқлар мисолида кўрдик. Булар чеченлар, Қрим татарлари, қалмоқлари, қорачойлар, ингушлар ва болқорлар эдилар. Истибдод тузумидан фақат

фуқароларгина эмас, балки миллатлар ҳам доимий изтиробда бўлиб, кўрқиш керак эди. Игтифокнинг фашистлар Германиясига қарши урушда душман билан ҳамкорликда айблаб , бу халқларни мажбуран кўчириб юбордилар. Улар бориб жойлаштирилган ерларда кўчирилган халқларга нисбатан давлат кўрсатмаси билан шундай муомала ташкил қилдики , улар аста-секин ХХІ асрнинг бошигача даврда қирилиб йўқ бўлиб кетишлари керак эди. Мажбуран кўчириш йилларда бу халқлар парча-парча қилиб, катта ҳудудларга тарқатиб ташланган бўлса ҳам , миллий ҳис, миллий ғоя, миллий Ватан билан видолашмадилар, ўз Ватанларига қайтишларига ишондилар. Уларга нисбатан “Социалистик Ватанга хиёнат қилдилар” , деб айб қўйиш бутунлайин ноўрин ва асоссиз эди чунки чеченлар, Қрим татарлари, ингушлар, қалмоқлар, болқорлар, қорачойлар орасидан урушда, то мажбурий кўчиришгача бўлган даврда, ўнлаб қахрамонлар , минглаб моҳир жангчилар етишиб чиқдилар. Ундан ташқари, шу нарсани ҳам кўзда тутмоқ керакки, бу жанг инсоният тарихидаги энг шафқатсиз урушлардан бири бўлди, ва бу урушда ҳар бир миллатнинг ичида ҳам кўрқоқлар, ҳоинлар душман томонига қочиб ўтганлар топилди. Фашистлар томонидан генерал Власов

“Рус озодлик армия”сини ташкил қилганини айтиб ўтиш етарли .

Истибдод даврида амалга оширилган “Миллий сиёсат” ҳар бир миллатнинг рухий ва маънавий дарғалари бўлган илғор кишиларнинг “Миллатчи”, “Ёзувчи синф вакили” , “Ўтмишда большевикларга нисбатан муҳолиф ташкилотда аъзо бўлган” , “Ота-боболари бой бўлган” , “Оғмачи”, “Коммунистик ғояларни изчил ҳимоя қилмаган”, “Совет тузумини улуғлаш ўрнига ўтган замонларга бағишланган тарихий асарлар ёзади” каби турли баҳоналар билан қамоққа олар, сургун, бадарға қилар эди. Истибдод тузумининг бундай тадбирларидан мақсади миллатларни қувватсизлантириш, рухий кучини қирқиш, маънавий илҳомдан жудо этиш эди, шу йўсин миллатларнинг қўшилиб келишини ва миллатлар ўрнига рус

миллати бошчилигида совет халқи аталмиш “Янги ижтимоий –сиёсий бирлик”ни юзага келтириш эди. Бундай бирлик бутун дунёни социалистик асосда ўзгартиришда муҳим роль ўйнайжак дейиларди.

Хуллас том маънода ўзбек миллати мустақиллик йилларида йилдан-йилга барқарор ривожланиб кетмоқда, бу мустақилликнинг буюк шарофатидир.

1.2. Миллатларнинг шаклланиши ва ривожланиши.

Миллатларнинг келиб чиқиши масаласи фанда энг кам ишланган ва шу сабабли аниқ эмас муаммолардан бири ҳисобланади.

XX асргача бўлган давирда миллатларнинг келиб чиқиши, қачон ва нима сабабгарга кўра шакллангани тўғрисида махсус татқиқот ва илмий асарлар яратилган эмас. Лекин “Миллат” сўзига маънодош тушунчалар шарқда ҳам, ғарбда ҳам хатто милоддан аввалги асрлардаёқ ишлатилган. Ислон дини олами, лотин тилига суянган ғарб мамлакатлари, буддавийлик ва унинг тармоқларига сажда қилган Ўзоқ Шарқ ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари “Миллат” ва халқ тушунчалари деярли бир маънода ишлатилган.

Бозор муносабатлари жамиятда ҳукмрон мавқеини эгаллагандан сўнг, яъни капитализм формацияси жаҳонни ўзининг уйидек деб қарай бошлагандан кейин, ҳар бир бужуа давлати, биринчидан, ўз мулки, ҳудуди бошқариш доирасини аниқлаб олишга ҳаракат қилди. Иккинчидан эса, у ўз бойлиги, капитали сиёсати ва иқтисодий таъсир доирасини кенгайтириши мақсадида ўзига қарам ерлар ва халқларни кўпайтиришга интилди. Шу муносабат билан буржуазия “Ўз халқи”, “Ўз миллати”ни аниқлаб ола бошлади ва “Миллат” ҳамда “Халқ” тушунчалари деганда нимани тушунмоқ керак деган савол амалий тус олди. Ҳозирги замон ривожланган мамлакатларда мунтазам равишда ҳар йили чоп этиладиган энциклопедиялар, изоҳли луғатлар ва маъмотномалар, шаклан турлича, лекин мазмун жихатдан деярли бир хил равишда масалани ёритиб, “Миллат”, бу кишиларнинг ўз тарихи ва маданий тақдирлари, лисоний ҳамда диний бирлигига асосланган умумийлиги “ деб тушунтира бошладилар. Яъни “Миллат тушунчаси учун ягона бир қатъий таъриф белгиланмади. Унинг таърифи вазият, шарт-шароит, муайян ҳолатда қараб у ёки бу томонга ўзгартирилиши мумкин эканлиги кўзда тутилди. Инглиз,

Олмон, Француз, Италиян, Испан, Румин, Булғор, Португал, Япон миллатлари ва бошқа қатор миллатлар анашу шарт ва талабларга жавоб берадилар.

XIX асргача ва ундан кейин яшаган мутафаккирлар юқорида айтилган миллат таърифи атрофида фкир юритиш билан чекландилар ва бу борада қандайдир янги тавсиф ёки янги назария яратишни ортиқча деб билдилар.

Тарихни урганиш шуни кўрсатадики, миллатлар инсоният тарихининг ибтидоий жамоатчилик давридан ташқари барча даврларда шаклланишлари мумкин булган ва улар озми кўпми шакллаганлар. Миллат шаклланиши учун асосий шарт-шароит жамиятга тинчлик ва сиёсий барқарорликни муттасил таъмин этиш, шу асосда иқтисодий ва маданий ҳаётнинг жонланиши, мунтазам иқтисодий, сиёсат ва маданий- маънавий алоқаларнинг ўрнатилиши, ягона умумий тил яратилишидир. Бундай тил шу ҳудуд ёки шу давлатдаги етакчи , мамлакат аҳолисининг кўпчилигини ташкил этган халқ тили асосида ёки вазият шунга йўл қўйса, бошқа халқнинг тили асосида ҳам яратилиши мумкин. Бу масаланинг ҳал етилиши қайси тилнинг қай даражада қулайлигига боғлиқ.

Тарихни ўрганар эканмиз, узоқ ўтмишларда, бундан 3-5 минг йиллар муқаддам, Хитойда, Ҳиндистонда, Бобилда, Мисрда ва бошқа ҳудудларда барқарорлик, тинчлик, бунёдкорлик вазияти таъмин етган даврларда санаб ўтилган ҳудудларнинг ҳар бирида давр талаблари ва имкониятлари чегараларида миллатлар шаклланган.

Миллатларнинг шаклланиши шу ҳудудда иқтисодий, маданиятни, маънавият ривожланиши учун янги имкониятлар очиб берган, жамият тараққиётини янада тезлаштирган. Шу асосда биз айтишимиз мумкинки, инсоният тарихида қадим замонларда Хитой миллати, Ҳинд миллати, Миср миллати ва бошқа миллатлар бўлган. Тарихни ўрганиш асосида инсоният ўтмишида энг қадимий миллатлар, ундан сўнг қадимий миллатлар, ўрта аср

миллатлар, бўлган, XV асрдан бошлаб эса янги замон миллатлари шакллана бошлади, дейиш тўғри бўлади.

Энг қадимий миллатлар инсоният моддий ва маънавий маданиятининг илк ўчоқларидан бўлиши Миср, Ҳиндистон ва Хитойда шаклланган. Қадимий миллатлар улардан бир неча аср кейин шакллана бошлаган. Булар, биринчи навбатда, қадимий Юнон, қадимий Румо миллатидир. Ўрта аср миллатлари айниқса Шврқ Ренессанси даврида (IX-XII асрлар) гуллаб яшаган мусулмон миллатларм шаклланган. Ғарбий ва Марказий Европа халқлари миллий тараққиёт йўлига фақат жамиятга буржуа, яъни янги замон муносабатлари ёйила бошлаши билан ўтадилар (XV-XVII асрлар).

Энг қадимий, қадимий ва ўрта аср миллатлари жамиятдаги шарт-шароитга қараб, ривожланганлар, асрлар давомида инсоният тараққиётининг олд қаторида борганлар. Аммо, тархни ўзгаришлар нотекислиги сабсбли, яшнаб турган минтақалар таназулга юз тутганлар ва миллатлар ҳам шу ўзгаришлар таъсирида инқирозга учраганлар, Асрлар ўтиб, янги даврлар келиб, шу минтақа яна кўтарилиган, миллат алоқалар ва миллатлар эса янгитдан тиклаганлар. Хусусан , энг қадимий миллатлар тўғрисида сўзлар эканмиз, тарихнинг шу қонунятни кўзатмоғимиз керак.

Айниқса Ҳиндистонда ва Хитой тарихини ўрганар эканмиз,бу ҳудудларда уларнинг кўп асрли тарихи давомида инқироз сабабли тарқшиб кетганлиги ва вақт ўтиши билан яна иқтисодий, лисоний, маданий, диний тикланиши асосида бошқатдан шакллангани шубҳасиздир. Биз агар бундай нуқтаи назарни қабул қилмасак, демак, европамарказийликни қувватлаган бўламиз, кўп минг йиллар давомида ўз моддий ва маънавий маданиятини ривожлантирган ўнлаб халқлар (шу жумладан, Хитой ва Ҳиндлар, Эронлар ва бошқалар) миллат даражасига кўтарила олмаганлар, уларни кўп минг давом этиб келаётган қолоқликдан фақат Европа ишчилар синфи қутқара олади, деган бўламиз.

Ўзбек миллати бу умумтарихий қоидадан истисно эмас. Ўзбек миллати тарихини тушуниш ишига Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов жиддий таъсир кўрсатди. Яқингача тарихчи олимлар ўзбек миллати ўтмишини ёритар эканлар, кўплари истибдод йўллари ғояларидан узоққа кетаолмадилар. Уларнинг фикрига X-XI асрларда ўзбек элати шаклланган XIX асрнинг иккинчи яримида Ўзбекистонда миллий муносабатлар шакллана бошлаган ва ўзбеклар биринчи марта миллат сифатида фақат XX асрнинг 30-йилларида шаклланиб улгурганлар, холос (М.Вахобов ва Ф.Нажимов). Ўзбек миллатининг шаклланиш тарихини бундай ёритиш, унинг ўтмишини кўпол бузади ва қашшоқлаштиради. Халқимизнинг илдизи нихоятда чуқур бўлиб, милоддан аввалги биринчи минг йилликни тўла қамраб олади ва иккинчи мингйилликда қамраб беради. Шу уч минг йилдан кўпроқ давир ичида Амударё ва Сирдарё оралиғида ҳамда уларнинг атрофида яшаган халқ бир неча марта кўтарилиши, гуллаб-яшнаш паллаларини бошдан кечириб, миллат сифатида цюшган: Таназзул жараёнлари ҳукмрон бўлган йилларда бу халқни бирлаштириб турган ришталари узилган ва миллат бирлиги тарих саҳнида узоқлашган.

Афсуски, ўзбек халқининг тарихи шу нуқтаи назардан кам ёритилган. Аммо Мовороунаҳр ҳудуди жахон маданиятига Ал-Фарғоний, Ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино каби шахсларни берган давирда ҳудудимизда миллат бўлган эмас, биз тарқоқ ва қолоқ эдик, дейишга этарли асос борми? Ҳудудимизнинг, халқимизнинг VII-XVI асрлардаги тарихи алоҳида ўрганилиши керак ва ўша асрлар давомида сиёсий барқарорлик, иқтисодий кўтарилиш ва маданий-маънавий тарақиёт сабабли бизнинг аجدодларимиз миллат бўлиб шакллангани тўғрисида сўзлаш мумкин. Иккинчи диққатга сазовор давр XIV-XVI асрладир. Амир Темури, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбекларни берган халқ ҳали элат ҳолатидан чиқмаган эди, улуғ аجدодларимиз ҳали

миллат даражасига кўтарила олмаган эдилар, дейиш тврих бераётган маълумотлардан юз ўгиришидир.

Ўзбек халқининг VII асиргача бўлган тарихини шу нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш, юртимиз сиёсий барқарорлик, иқтисодий тараққиёт ва маданий-маънавий муваффақиятларга эришган даврлар халқимиз қадимий миллат бўлиб уюшганини аниқлаб, тарихимизни бойитиш –муҳим вазифаларимиздан биридир. Юртимизни, элимизни, ҳудудимизни кўп марта босқинчилар забт этиб, вайрон қилганлар. Аммо, халқимиз бу вайроналикларни енгиб, яна тикланган, миллат бўлис уюшган.

Ана шу боисдан мустақил Ўзбекистоннинг давлат гербида ёнса ҳам кулдан қайта туғилиб чиқадиган ҳумо қуши ўрин олган .

Ижтимоий тараққиётнинг боришига қараб миллатлар ривожланиб борди. Фақат биргина XX аср давомида Ер қуррасидаги аҳоли 1,7 миллиарддан 6,2 миллиардгача ўсган, яъни 3,5 карра ошган. Демак миллатлар йириклашиб ҳам бормокда. Ер юзасидаги аҳоли масалалари билан шуғулланувчи мутахассисларнинг ҳисобларига кўра ҳозирги даврда 2.5минга 7.5мингача турли миллатлар ва элатлар мавжуд. Рақамлардаги бундай катта тафовутни тушуниш мумкин, чунки ер юзининг қисмларида ҳали аҳоли сони, таркиби ва миллати фарқлари етарли ўрганилган эмас. Ундан ташқари, аҳолининг қайси гуруҳини миллат деб аташ мумкин, қайсини эса элат дейиш маъқул деган масалада умумқабул қилинганг меъёр ва мезонлар йўқ ва ҳар бир тадқиқодлар гуруҳи ўз қоидалари асосида иш кўради. Аммо, масалани янгилаштириш мақсадида жаҳон миллий- оммабоп адабиётлар ер юзидаги миллатлар ва элатларнинг сони 3 мингтага тенг, дейилади.

Ер юзидаги аҳоли таркиби тўғрисида сўзлаганда яна кўзда тутилиши лозим бўлган нарса миллатларнинг ер юзи аҳолисидаги салмоғи масаласидир. Мутахассисларнинг ҳисобларига кўра, ер юзи аҳолисининг 96 фоизи у ёки бу даражага уюшган миллатлар бўлиб, 4 фоизи эса элатлар ва

кабилалар. Бази халқлар ўзининг камсонлиги, тарқоқ холда катта худудларда истиқомат қилиши каби сабаблар кўра миллат бўлиб уюша олмаганлар. Улар элат ҳолида қолиб, ўз атрофидаги йирик миллатлар билан ҳамкорлик йўлидан бормоқдалар. Бундай элатлар ер юзида анчагина бўлиб, камсонликлари ва тарқоқликлари сабабли инсоният ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатмайдилар, аммо ҳимояга мухтожлар.

Миллатларни сон жихатдан шартли равишда беш гуруҳга бўладилар.

1) Буюк миллатлар (ҳар бир 100 млн-дан ортиқ миллатлар:Хитойлар , Ҳиндистонлар, Индонезлар, Японлар, Амеркаликлар, Руслар ва бошқалар);

2) Катта миллатлар (ҳар бир 50 млн.дан юз миллионгача:Инглизлар, Французлар, Испанлар, Олмонлар, Турклар, Вьетнамлар, Мексиканлар ва бошқалар);

3) Йирик миллатлар (ҳар бири 10млн.дан 50 млн.гача:Ўзбеклар, Қозоқлар, Португаллар, Греклар, Чехлар, Аргентиналар ва бошқалар);

4)Ўрта миёна миллатлар (ҳар бири 1 млн.дан 10 млн.гача: Қирғизлар, Туркманлар, Тожиқлар, Финлар, Шведлар,Албанлар, Бошқирдлар, Латишлар, Болгарлар ва бошқалар);

5) Кичик миллатлар (ҳар бири бир неча ўн мингдан бир миллионгача: Чеченлар, Ингушлар, осетинлар, Қалмоқлар, комилар, Бурятлар, Қорақалпоқлар ва бошқалар).

Миллатларни бундай фарқлаш кундалик муносабат, савдо-сотиқ ва умумий маълумот учун қўланилади, чунки мамлакатларнинг импорт ёки экспорт имкониятлари аҳолининг сонига ҳам боғлиқдир. Аммо бундай фарқлаш давлатларнинг, миллатларнинг сиёсий ҳуқуқларига таъсир кўрсатаолмайди . Масалан, турли халқлар Ташкилотларда 1 млрд 260 млн аҳолига эга Хитой халқ Республикаси ва Ҳинд океани бағрида жойлашган Сейшель ороллари давлати, бор-йўғи 80минг кишидан иборат аҳолига эга бўлсада, тенг овозга эгалар.

Миллатларнинг тенглиги ва тенг ҳуқуқлилиги тамойили халқаро муносабатларнинг энг асосий тамал тошларидан бири ҳисобланади. Тенг ҳуқуқлилиқ тамоили бузилган ҳолда бўлади. Миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги тенг олиш миллатлараро муносабатларнинг асосидир. Ўз кучи, салобати, ҳарбий салоҳияти ва қўшинининг сонига суяниб иш кўриш, манманларга, калондимоғлик билан ўзидан кичик, майда миллатларга муомалага бўлиш, биринчидан, ҳалқаро миллатлар ҳамжамиятининг миллатларнинг тенглиги тўғрисидаги тамоилларига зиддир ва иккинчидан, камситилган кичик миллатларга ички норозилик ва ғазаб ҳиссини уйғотиб, қонли тўқнашувларга сабабчи бўлмоғи мумкин.

Инсониятнинг айниқса XX аср давомидек тарихи бу хулоса нақадар асосли эканлигини тасдиқлади. Масалан: Вьетнамни 1940-1945-йилларда Япония, ўз кучига ишониб, мустамлакага айлантirmoқчи бўлди. Иттифоқлар армиялари Япония қўшинлари Вьетнамдан қувиб чиқаргандан сўнг у ерда Франция ўзининг мустамлакачилиқ “ҳақ-уқуқи” ни тикламоқчи бўли. Вьетнам халқини яна бошқатдан Франция мустамлакасига айлантириши учун қонли жанглар 1945 йидан 1954 йилгача давом этди. Франция қўшинлари Вьетнам миллий озодлик кучларида енголмасликларини тан олдилар ва чекиндилар. Ундан сўнг Вьетнам халқини АҚШ тиз чўктирmoқчи бўлдилар. Аммо, 1963 йил 1973 йилларда АҚШнинг энг илғор замонавий ҳарбий техникаси, шу жумладан “учувчи қалъа” бамбардимончи самолетлари билан қуролланган қўшини ўз тарихида биринчи марта урушда енгилиганини тан олиши ва Вьетнам ҳудудини тарк этишга мажбур бўлди. Худди шундай манзарани 1954-1962 йилларда Жазоир миллати олиб борган урушда ҳам кўриш мумкин эди. Бу урушда ҳам кўриш, замонавий қуролланган Француз армияси Жазоир миллий-озодлик армиясидан енгилди. Бундай урушнинг яна бир масаласини Афғонистонда кузатдик: Энг замонавий ҳарбий қуролга таянган Совет армияси қисмлари 10 йилдан

ортиқ давом этган харбий ҳаракатлардан сўнг енгилиб, Афғонистондан чиқиб кетишга мажбур бўдилар.

Хуллас, инсоният тарихи, бу-биринчи навбатда миллатлар тарихидир. Ҳар бир тарихий даврда кишилар ўз олдиларида турган иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий имкониятлари бой бирликларга, яъни миллатларга уюшишга интилганлар ва бу тарақиётнинг боришига қараб ривожланиб борган.

Ўзбек халқи ҳам бундан истисно эмас.

II- боб . Миллатлараро тотувлик барқарорлик ва тараққиётнинг омилидир

2. 1. Кўп миллатлилигининг юзага келиши.

Ўзбекистон тарихини ўрганар эканмиз, унинг диққатимизни тортадиган томонларидан бири юртимизнинг, элимизнинг кўп миллатлилигидир қадим замонлардан бери ўзбеклар билан бир қаторда миллий ҳудудимизда тожиклар, қozoқлар, туркманлар, қирғизлар, уйғурлар, ва бошқа халқлар, миллатлар вакиллари истиқомат қилганлар. Улардан ташқари элимизда қўшни давлатлардан келган ва бу ерда жойлашиб қолган эронийлар, афғонлар, ҳиндлар, хитойлар бор эдилар. Араб истилосидан сўнг Мовароуннахрга кўчиб келиб, шу ерда яшай бошлаган араблар Бухоро ва Қашқадарё томонларида ўз қишлоқларини ташкил қилган эдилар. Ўрта Осиёни Россия босиб олгандан сўнг мамлакатимиз ҳудудида руслар, украинлар, беларуслар, азарбайжонлар, Кавказ халқлари вакиллари , Волга бўйидан татарлар, мордвалар, марилар, удмуртлар, бошқирдлар, билан бирга немислар, болгарлар, Венгирлар, ва бошқалар. Минтақамизда пайдо бўлдилар. Чоризм даврида арман халқига нисбатан амалга оширилган арман-азарбайжон қирғини сиёсати натижасида ўн минглаб арманлар Ўзбекистонга кўчиб келишди.

Ўзбекистон аҳолиси кўпмиллатлилигининг ўсиши узоқ тарихга эга бўлиб, бу жараёни асосан тўрт даврга бўлиш мумкин.

Биринчи давр чоризм истилосига бўлган асрларни ўз ичига қамраб олади. Кўпмиллатлилиқ у асрларда секин –аста ташкил топган . Маълумки, Ўрта Осиёни забт этган Искандар Зулқарнайннинг сафдан чиққан минглаб жангчилари Ўрта Осиёнинг кўплаб иқлими ва шароитларини кўриб, шу ерда ўтроқ бўлиб қолиб кетган. Юртимизнинг кўп миллатлилиги айниқса Буюк ипак йулининг аҳамияти ошиши билан янада ўсди. Шарқ билан

Ғарбнинг мунтазам алоқаларини таъмин этишга минглаб кишилар ўз ҳаётларини бағишладилар. Бу йўл кўп тармоқли бўлиб, дарахтнинг илдизидек турли томонларга чуқурлашиб кириб борган .

Карвон эгалари, хизматчилар ва хизматкорлар юртимизнинг минглаб қишлоқлари, мимлакат бўйлаб жойлашган ўнлаб шаҳарлар, хунармандчилик марказлари, савдо-сотиқ расталарини кўриб, бу юртга доимий ёки ўтроқ ҳаёт кечириш учун узил-кесил жойлашдилар. Ундан ташқари, маънавият, маърифат маданият манбаларига ўзларини яқин тутишни орзу қилган минглаб турли халқ ва қабила вакиллари .Ўзбекистонни ўз доимий Ватанлари сифатида танлаб, шу ҳудудда яшаб бошлаганлар. Бу жараёнлар ҳали Ўзбекистон Россия томонидан забт этилмасдан олдин бўлган ўзгаришлардир. Бу нарсанинг таъсири ҳозирги кунларда ҳам билиниб туради. Яна шу сабабдан ўзбек миллатининг ўртача этник қиёфаси ҳали шаклланиб улгургани йўқ: ўзбеклар орасида туркларга, қозоқларга, қирғизларга, туркманларга, уйғурларга, афғонларга, эронийларга, хиндларга ўз ташқи чизгилари билан жуда ўхшаб кетадиганлар кўп учраб туради. Шу жиҳатдан ўзбек миллати бошқа миллатлардан анчагина ажралиб туради. Бундай хусусиятимиз тарихимиз бизга қолдирган ўзига хос мерослардан биридир.

Ўзбекистон аҳолисининг кўп миллатлилиги ўсишишининг иккинчи тарихий палласи. Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши жараёни ва мустамлакачилик йиллари билан боғлиқдир. Истило натижасида юртимиз дунёда ҳудуди энг катта ва аҳолиси энг кўп миллатли давлатнинг бир қисмига айланди. Элимизга бойиш, енгил ҳаёт кечириш, янги ерларда узига хусусий мулк орттириш тарафдорлари минг минглаб кела бошладилар. Натижада Ўзбекистоннинг кўпмиллатлилиқ даражаси кескин ўзгара бошлади. 1897 йилда Россия империяси бўйича биринчи марта аҳоли рўйхати ўтказилди унинг йиққан маълумотларини синчиклаб

ўрганиши шуни кўрсатадики, 1897 йилда Ўзбекистон ҳудудида етмишта турли миллатлар ва элатлар вакиллари истиқомат қилган эканлар.

Юртимиз аҳолиси таркибида турли миллатлар ва элатлар вакиллари сонини ўсиб бориши жараёнининг учинчи палласи 1917 йил октябрь тўнтариши ва ҳокимиятни большевиклар босиб олгандан кейин бошланди. Бу жараён бир неча йўналишларда олиб борилди. Биринчидан, янги ҳокимият ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва душман кучларни тор-мор қилмоқ учун Ўрта Осиёга Марказий Россиядан турли ҳарбий қисмларни жўната бошлади. Ҳарбийларнинг кўпчилиги марказий кўрсатмаси ёки ўз хоҳиши билан ўлкада доимий яшай бошлади. Фуқаролар уруши тугагандан сўнг ўлкада яъни саноат корхоналари курила бошлади ва уларда ишловчиларнинг кўпчилиги марказдан юборилган ишчилар ва инженер – техник мутахассислар эдилар. Ўзбекистон “социализмнинг шарқдаги маёғи” қилмоқ учун ўлкамизда, сирасини олганда, руслаштириш сиёсати амалга оширила бошлади . 1926 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотларига қараб фикр юритсак, ўлкада 91 миллат ва элатнинг вакиллари истиқомат қилиши аниқланган . Демак, 29 йил (1897-1926) оралиғида Ўзбекистонда истиқомат қилиб турган миллатлар ва элатлар сони 70 дан 91 гача, яъни 30 фоизга ошган . қисқароқ қилиб айтганда, ўттиз йилда ўттиз фоиз ўсишни кўриб турибмиз, десак булади.

Навбатдаги аҳоли рўйхати 1939 йилда ўтказилди. Ўтган ўттиз ўч йил (1926-1959)ни ниҳоятда ҳаяжонли воқеаларга тўла бўлди. Уларнинг орасида энг дахшатлиси 1941-1945 йиллардаги уруш эди. Инсоният тарихида ҳеч бир урушда ҳеч бир давлат 1418 кун давом этган жангларда 27 миллион 343 минг жангчи, зобит ва фуқаросидан жудо бўлган эмас. Бу урушга Ўзбекистондан 1.433. 230 киши сафарбар қилинган Республика аҳолисининг умумий сони 6,5 миллион бўлган, шулардан болалар ва кексаларни чиқариб ташласак, бу рақамикки барабар қисқаради. Демак, 3,25 миллион яроқлилардан ярми аёллар –оналар эканлагини инобатга олсак,

1,6-1,7 миллион харбий хизмат ёшдаги эркаклар қолади. Хулоса шундан иборатки, Ўзбекистон аҳолисининг деярли 22 фоизи, харбий хизматга яроқлиларнинг 90 фоизи урушга ёки ишчи баталёнларга кетган. Шулардан 263005 киши халок бўлган. 132670 киши бедарак йўқолган. 60452 киши ногирон бўлиб қайтган¹. Бу уруш ана шундай аёвсиз қирғин бўлади.

Собиқ Совет давлатини қутқариб олган омиллардан бири шундан иборат бўлдики, у ўз худудининг фавқулотда катталигидан фойдаланиб, фронтдан узоқ жойлашган худудларни ўз таянчи ва қуролхонасига айлантирди. Шулардан бири Ўзбекистон эди. Ўзбекистонга мамлакатнинг ғарбий қисмидан, яъни харбий ҳаракатларга тортилган қисми дан шарққ, шу жумладан, Ўзбекистонга минглаб, завод ва фабрикалар, маданият муассассалари ва жамоалари кучирилди. Саноат корхоналари одатда ўз инженер техниклари ва мутаххасис ишчилари ва уларнинг оилалари билан кучиб келишдилар. Ундан ташқари мамлакатнинг уруш бораётган харбий қисмдан юз минг фуқаровий аҳоли Ўзбекистонга ва бошқа шарқий республика ва вилоятларга йўл олдилар.

1941-1945 йиллар уриши даврида Ўзбекистонга мамлакатнинг ғарбий қисмидан қанча аҳоли кучирилганлиги ҳақида аниқ ва расмий эълон қилинган рақамлар йўқ, борлари ҳам манзарани тўла ёрита олмайдилар, чунки шошма шошарлик. Вазиятларда аниқ ҳисоб-китоб олиб борилмаган лекин, 1926-1959 йиллар аҳоли руйхатлари оралиғида Ўзбекистонда рус аҳолисининг салмоғи 2,7 фоиздан 13,4 фоизга ўсди. Собиқ совет тузуми томонидан амалга оширилган саноатлаштириш, қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш, миллатларнинг ўзлигини кучсизлантириш ва сусайтириш мақсадида уларни мумкин қадар кўпроқ аралаштириб юбориш сиёсати ўз “мева”сини бера бошлади ва юқорида таъкидланган 33 йил, яъни 1926-

1. Қаранг: Каримов И.А. Туркистон умумий уйимиз.
-Т.: Ўзбекистон, 1993, 11-бет.

1959 йиллар орасида Республика аҳолисининг кўпмиллатлилигининг ўсишида ҳақиқий “Революция” юз берди дейишимиз мумкин. Фақат Ўзбекистоннинг ўзида 1959-йилда етарли бўлмаган 104 миллат ва элат вакиллари, шу жумладан, 1926-йилгача Ўзбекистонда биронтаси ҳам бўлмаган цахурлар, абазинлар, тувалилар, бурятлар, чукчалар ва бошкалар аҳоли таркибида пайдо бўлдилар.

Кўп миллатлилиكنинг ўсишида 1926-1959 йиллар Ўзбекистон тарихида асосий ўринни эгаллайди, десак ортиқча бўлмайди. Шу давр ичида Ўзбекистонда истиқомат қилувчи халқлар сони 91 дан 113 гача етди, ўзбеклар Ўзбекистонда 1959- йилда аҳолининг 62,1 фоизини, ўзбек эмаслар эса 37,9 фоизини ташкил қилар эдилар. Ўзбек миллатининг очик кўнгиллилиги, меҳмондўстлиги, бағрикенглиги, ҳар бир кишига миллатидан қатъий назар, “У ҳам Худо яратган инсон” деб яхши кўз билан қараши натижасида Ўзбекистонда барча ерни эмас халқларнинг, шу жумладан, русларнинг сони ва салмоғи ошиб борди.

1959-йилдан бошлаб Ўзбекистонда ерли аҳолининг, шу жумладан, ўзбекларнинг аҳоли таркибидаги салмоғи аста – секин ўсиб бормокда. Бунинг сабаби ерли бўлмаган аҳолининг сони камайишида эмас. Уларнинг сони йил сайин, озгина бўлсада, ошиб бормокда. Ерли аҳоли салмоғи ортиб боришининг сабаби бу аҳоли сонининг европаликларга нисбатан тезроқ ўсишидадир. Европалик аҳолида, шу жумладан, русларда , ҳар бир оилада ўрта ҳисоб билан 2,5 фарзанд бор, ўзбекларда ва бошқа ерли халқларда эса ҳар бир оилада 4-5 фарзанд бор. Натижада, масалан, Ўзбекистондаги русларнинг сони 1959- йилдаги 1. 090 мингдан 1989-йилда 1.652 минггача ўсди, яъни 66 фоизга кўпайди. Худди шу давр ичида ўзбекларнинг сони 6.015 мингдан 16.650 минггача яъни 275 фоизга кўпайди. Демак, ўзбекларнинг сони русларникига нисбатан беш баробар кўпроқ суръат билан ўсган.

Юқорида санаб ўтилган омиллар таъсирида 1989- йилга келиб Ўзбекистонда русларнинг салмоғи 8,3 фоизга, 2000 йилда 6,5 фоизга тушиб қолди. 1991- йилда Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилингандан сўнг барча собиқ республикаларда жиддий демографик жараёнлар юз берди, шу жумладан, рус аҳолисининг маълум қисми ўз илк Ватан Россия Федерациясига қайтиб кетишни лозим кўрди. Ўзбекистондан кўчиб кетган русларнинг сони ва салмоғи бошқа собиқ республикаларга нисбатан анча оз бўлди; сабаби шундаки Ўзбекистон раҳбарияти ва ерли аҳоли русларга кўполлик, чиқиштирмаслик, ғараз кўз билан қараш ҳодисаларига йўл қўймайди, чунки руслар асосан яхши мутахассислар, Ўзбекистоннинг саноати, алоқаси, нақлиёти ва бошқа соҳалари учун чин юракдан меҳнат қилишга тайёр кишилардир. Ҳатто шундай шароитда русларнинг маълум қисми ўз илк ватанини қўмсаб, она юртига қайтди. Бу борада ҳозирги аниқ рақамлар чоп этилган эмас. Шу соҳа билан шу шуғулланаётган мутахассисларнинг билдиришларича, 1991-1996- йилларда кўчиб кетганларнинг маълум қисми қайтиб келган. И. Каримов 2005-йил “Независимая” (Россия) газетасининг мухбири Виктория Панфиловага берган интервьюсида шундай деган эди: “...мен шу кунларда республикага қайтиб келган 70 нафар рус кишисига фуқаролик бериш тўғрисидаги фармонга имзо чекдим”¹ - деган эди.

Ўзбекистон мустақиллиги 1991- йилда эълон қилингандан сўнг бозор муносабатлари ҳаётга сингиши жараёнида давлатимизда янги даврга хос жараёнлар намоён бўла бошлади:

Биринчидан, ҳудудимиздан русларнинг ва умумий европаликларнинг кўчиб кетиши жиддий камайди. Албатта, уларнинг маълум қисми аста-секин бориш жойларини аниқлаб, кўчиб кетмоқдалар. Бу жараённи тўхтатиш мумкин эмас, чунки одамларнинг жаҳон бўйлаб ўзларига қулай жой излаб кўчиб кетиш ёки кўчиб келишларига ҳақлари бор. Бу

1. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. -Г: “Ўзбекистон”, 2005, 28-бет.

демократиянинг асосий тамойилларидан биридир.

Иккинчидан, айти вақтда Ўзбекистонга кўчиб келувчиларнинг сони кўчиб кетаётганлардан кам эмас. Ана шу сабабли кўчиб юриш тарозисининг паллалари баробар, тенг десак бўлади.

Учинчидан, МДХ миқёсидаги вазиятни қиёслаб ўрганиб, бошқа давлатлардан, айтиқса Россия Федерациясидан руслар билан бир қаторда бошқа миллат вакиллари ҳам кўчиб келмоқдалар.

Мустақиллик шароитларида миллатлараро жараёнларнинг бундай тус олиши бизни безовта қилмайди, чунки давлатимизда ҳаммага ер ва сув етарлидир. Четдан келсалар, барчага эшигимиз очиқ. Худди шу мақсадда бозор иқтисодиёти шароитларида турли чет эл фирмалари, бирлашмалари ва гуруҳлари йил сайин кўплаб келиб жойлашмоқдалар. 1897 йилда Ўзбекистон ҳудудида 70 миллат ва элат вакиллари, 1926 йилда 91, 1959-йилда 113, 1989-йилда 113, ҳозирги пайтда эса 136 миллат ва элат вакиллари яшаб турганлиги маълум.

Ўзбекистон ҳозирги замон давлатлари орасида энг кўп миллатлиларнинг биридир.

2. 2. Собиқ иттифокда миллат сиёсати

Кўп миллатлилик реал ҳолат экан, у давлатлар сиёсатида ўз ифодасини топмаслиги мумкин эмас. Кўп миллатлилик даражаси қанчалик юқори бўлса-да, ҳар бир давлатда миллий сиёсат ўзига хос тарзда намоён бўлишини таъкидлаш зарур. Масалан, яқин ўтмишда амалга оширилган миллий сиёсат ҳақида кўп ёзилган. Аммо унинг моҳиятини тўлалигича англаб етиш учун яна кўплаб тадқиқотлар олиб бориш кераклиги ҳам шубҳасиз. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов ибораси билан айтганда, “Ўтмишимизни “Оқлаш” ишлари умуман бажариб бўлинди; ҳозир эса асосий вазифа тарихий таҳлилни илмий жихатдан ҳолисона ва ҳалол амалга оширишдан иборатдир”¹.

Бундай таҳлил мустақилликнинг қадрига етиш, жамиятимизда содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар, озод юртимиздаги миллатлараро муносабатларнинг характери, турли миллатга мансуб фуқароларимиз ҳаётидаги маънавий уйғониш ва маданий юксалиш жарайонини тўғри ҳамда чуқур тушуниш учун нихоятда муҳимдир. Шунининг олган ҳолда, жуда даври миллий сиёсатнинг айрим жихатларига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, улуг адибимиз Абдулла Қодирий айтганларидек,

“Мозийга қайтиб иш кўришни хайрли дейдилар”.

Энг аввало, бу даврда миллатлар ва элатларнинг асосий ҳуқуқлари поймол этилганини таъкидлаш зарур. Хусусан миллий тилларда таълим олиш, маданиятини ривожлантириш учун шароит яратиш каби миллий ҳаёт ва ўзликни сақлаб қолиш билан боғлиқ бўлган умумэътиқод этилган қоидалар шўро Конституциясида белгилаб қўйилгани ҳолда, амалиёт миллатларни яқин келажакда қўшиб юборишдек мақсадга бўйсундирилган эди. Унга эришиш йўлида республикалар этник таркибини атайлаб

1. И.А.Каримов “Ўзбекистон ХХI аср бугунгисида : Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тарақиёт кафолатлари” . – Т.: “Ўзбекистон”, 1997, 141-бет

мураккаблаштиришдек онгли, аниқ мўлжални кўзлаб, сиёсат олиб борилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, “Чегараларни тозалаш”, “Хоинларни жазолаш” каби шиорлар остида бутун бир халқларнинг оммавий депортация қилинишини ҳам ушбу йўлдаги ҳаракатларнинг узвий қисми сифатида эътибор этиш лозим. Миллий тил ва маданиятларга беписандлик билан қараш ҳукмронлик қилди. Айни пайтда, мафкуравий ниқобланган шовинистик сиёсат олиб борилди. “Миллатчилик” тушунчасининг мазмуни атайлаб кенгайтирилиши натижасида эса ҳар қандай миллатпарварлик миллатчилик деб баҳоланди. Миллатпарвар инсонлар миллатчи сифатида қатағон қилинди.

Миллий масала бирон марта ҳам муҳокама қилинмаган бўлсада, “Миллатчиликка” қарши кураш давлат ҳокимияти ва коммунистик партия раҳбарларининг доимий диққат марказда бўлди. КПСС Марказий Комитети 1926-1982 йиллар орасида “Миллатчиликка” қарши курашга қаратилган 30 дан ортиқ ҳужжати қабул қилгани ҳам буни тасдиқлайди.

Шўро ҳокимиятининг дастлабки йўлларида қабул қилган ана шундай ҳужжатлар мазмунини ўрганиш уларда рухонийлар, бойлар, кулоқлар, зиёлиларнинг миллатчилик йўлидан ҳаракатларига қарши курашга чақириш устувор бўлганини кўрсатди. Бу амалиётда ўзининг мудҳиш акс садосини топди. Масалан, 1937-1938 йилларда йирик “миллатчи” гуруҳларнинг фoш этилиши ҳамда кўзга кўринган давлат ва жамоат арбобларининг қатағон қилиниши бунга мисол бўла олади. Биргина 1937-1938 йилларда Республика раҳбарларининг 70 фоизи репрессия қилингани, умуман олганда эса 1937-1952 йилларда Ўзбекистондан 100 минг киши репрессия қилиниб, 13 минг киши ошиб ташлангани ҳам мазкур давр сиёсатининг мудҳиш қиёфасини тасаввур қилиш имконини беради¹.

Урушдан кейинги даврда эса феврал – патриархал ўтмишни

1. Алимova Д. Головонов А. XX аср – мафкура нигоҳида. || “Халқ сўзи”, 2002, 25- июнь.

идеаллаштириш, миллий махдудликка қарши курашиш, реакцион анъана узоқ одатларни улуғлашга йўл қўймаслик зарурлиги уқтириб келинди. Бунинг натижаси ўлароқ, Мақсуд Шайхзода “Жалолиддин Мангуберди”, Ойбек “Алишер Навоий”, И.Мўминов “Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли” асарларини ёзгани учун ўтмишни идеаллаштиришда айбланди. Динга бўлган агрессив муносабатни ҳам совет давридаги миллий сиёсатнинг узвий қисми сифатида қарашга ҳақлимиз. Зеро, маънавиятнинг ана шундай мустаҳкам асосига зарба бермай туриб, миллатларни қориштириб юборишдек ёвуз мақсадга эришиб бўлмаслиги аниқ эди. Шундан келиб чиқиб, атеизм ҳукмронлик қилган даврда халқ қалбидан ҳақиқий эътиқодни сиқиб чиқоришга алоҳида эътибор берилганини қайд этиш лозим. XX аср 30 – йилларида республикада “Худосизлар” номи билан ўзбек тилида журнал нашр этилди, диний китоблар уёқда турсин, араб ёзувида битилган ҳар қандай китобларга ҳам “динийлик” тамғаси босилди ва шу тариқа халқнинг тарихий хотираси, маънавияти, дунё қараши муҳрланган нодир асарлар, вўлёмалар йўқ қилиб юборилди.

Бундай бўлишига сабаб – улар динни кишиларнинг ақл – идрокини эгаллаш учун курашда ўзларининг рақиби деб ҳисоблар эди. Шунинг учун ҳам улар динни камситиш, рухонийларни йўқотиш ва омон қолганларни бўйсундириш йўлида кескин чоралар кўрдилар. Динни суний равишда мафкуравий курашнинг ўта қизғин жабхаларидан бирига айлантирдилар¹. Бунинг оқибатига бебаҳо маданият намуниси – маъмурий ёдгорликлар, масжиду мадрасалар ер билан яксон бўлди. Масалан, 1929 йилдан 1939 йилгача бўлган оралиқда Туркистонда 14 минг масжид бузиб ташлангани манбаларда қайд этилади.

1. Каримов .И. А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: Хафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва ираққиёт кафолатлари. –Т.: “Ўзбекистон”, 1997, 39-40 бетлар.

1917 йилда Туркистонда 20 минг масжид мавжуд бўлган бўлса, 1953 йилга келиб, фақат 250 та масжид қолган¹.

Нафақат диний, балки улкан тарихий аҳамиятга эга бўлган ёдгорликларга бундай салбий муносабат кейинги йўлларда ҳам ҳукмронлик қилди. Хусусан, ўтган асрнинг 50 – йилларидан бошлаб 20 минга яқин ёдгорлик бузиб ташланди. Фарғона водийсида тарихий ёдгорликларнинг учдан бир қисми сақланиб қолган, холос².

Миллий ўзига ҳосликни писанд қилмаслик, халқларни доимий қўрқув ва ҳадик остига сақлашга интилиш кейинги даврларда ҳам давом эттирилди. Минглаб одамлар жавобгарликка тортилган “Ўзбеклар иши” компаниясини унинг сўнгги кўринишларидан бири сифатида баҳолаш мумкин.

Ана шундай жараённинг гувоҳи бўлган, замонамизнинг улкан адиби Ч.Айтматов халқимизга нисбатан содир этилаётган бундай ҳаракатларнинг мутлақо адолатсизлигини таъкидлаб “Агар Ўзбекистоннинг ҳамма пахтасини жамулжам қилиб вагонларга ортиладиган бўлса, Ердан Ойга қадар етадиган эшелон зарур бўлажаги ҳақида кўнглим ўсиб ҳисоблаб чиққанман. Бунинг сира муболаға жойи йўқ, - деб ёзган эди. – Ўзбек меҳнаткашлари мамлакат учун қилган ишларни айтаверсак бўлар бари бошимизни қуйи эгиб таъзим қилишга сазовордир. Қадим – қадим ўзбек маданиятининг Ўрта Осиёга кўрсатган таъсирини кўхна Византиянинг қадим Русга кўрсатган таъсири билан қиёслаш мумкин³.

Умуман олганда, қайд этилган далиллар ҳам “миллатларни яқин келажакда қўшиб юбориш” фақат – орзу ният бўлиб қолмаганини уни рўёбга чиқариш йўлида аниқ амалий ишлар олиб борилганини ва улар охир – оқибатда акси миллий мазмун – моҳиятга эга сиёсат асосига қурилган тузумнинг ҳалокати учун замин тайёрлаганини кўрсатади.

1. Набиев А. Мустақиллик учун кураш ёхуд парчаланган Туркистон тарихи. –Т.: “Ёзувчи”, 1998, 91-92 бетлар.

2. Иброгимов М. Нет народа без храма || Человек и политика. 1991, 10-сон.

3. Чингиз Айтматов . Перестройка, гласность древо выживания. || “Правда” , 1988, 13-феврал.

Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. “Темур Кўрагон каби дохийларнинг, Мирзо Бобур каби фотихларнинг, Форобий, Улуғбек ва Абу Али ибн Сино каби ўсиб – унган ва нашъу намо қилганлари юрт ўлкани халокат чуқурига қараб судрағувчи, албатта тангрининг қахрига сазовордир”, - деб ёзган эди Абдулла Қодирий. Адибнинг бу сўзларида миллий тарих ва ўзликнинг душмани бўлган, ўз мавжудлигининг дастлабки йилларидаёқ мудхиш қиёфасини намоён эта бошлаган тузумнинг қисмати башорат қилинган эди, дейиш мумкин.

2. 3. Миллий муносабатларга ёндошувлар.

Маълумотларга кўра, ҳозирги даврдаги дунёдаги фақат 20 га яқин давлат аҳолиси таркибида бошқа миллатлар вакилларининг улуши 5 фоиздан камни ташкил этади. Қолган давлатларнинг деярли барчасида 5 ва ундан ортиқ миллат ва элатлар вакиллари истиқомат қилиб, уларнинг аҳоли таркибидаги улуши анча салмоқли. Айни пайтда, маълумотларга кўра, хх асрнинг иккинчи ярмида давлат-ҳуқуқий, этна ҳудудий ва этнодемографик заминда 300дан ортиқ катта-кичик низолар қайд қилинганининг таъкидлаш зарур. Мазкур далиллар жамиятда барқарорлик ва тараққиётни таъминлашда оқилона ташкил этилган миллий сиёсатнинг нечоғлик улкан аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, истиқлолнинг миллатлараро муносабатларда акс этиши ҳақида гап кетар экан, фақат яқин ўтмиш билан солиштириш орқалигина унинг моҳиятини тўлиқ англаш етиб бўлмаслиги табиий. Бугунги кунда кечаётган жараёнларнинг моҳиятини англаш учун ҳам, адолат юзасидан ҳам уларни ҳозирдан бошқа мамлакатларда, хусусан, собиқ иттифоқ таркибига кирган айрим республикалардаги воқелик билан солиштириш мақсадга мувофиқдир.Зеро, ҳамма нарса қиёслаганда билинади.

Хусусан, собиқ иттифоқ ҳудудида бугунги кунда кам деганда 3та миллий сиёсат модели амал қилаётганини таъкидлаш зарур.

Биринчи модел айрим Кавказорти Республикаларига хосдир. Титул (мамлакатга ном бериш) миллатнинг барча соҳаларда мутлоқ устуворлигини таъминлаш ва мавжуд муаммоларни куч ишлатиш, зуравонлик йўли билан ҳал қилишга уриниши ушбу моделнинг ўзига хос хусусиятидир. Чунончи, ушбу моделнинг ўзига хос хусусиятидир. Чунончи ушбу минтақада ўтган хх асрнинг 80-йиллари охирида титул бўлмаган миллатларга нисбатан “бизниг еримиздаги меҳмон ” қабилида муносабатда бўлинди. Бу титул бўлмаган этнослар ўртасида туғилишнинг кўпайиши

олдини олишга қаратилган чораларни кўриш лозимлиги, кам сонли миллатлар зич (компакт) яшайдиган чегара ҳудудларига титул мамлакат вакиллари кўчириш орқали демографик вазиятни ўзгартириш ҳақидаги қоялар ва унга асосланган турли амалиёт шаклларида ўзини намоён қилди.

Ана шундай сиёсат натижаси улароқ бугунги кунда ушбу минтақа мураккаб этник зиддиятлар юки остида қолди.

Юқоридаги фарқли равишда иккинчи модель амал қилаётган айрим болтиқ бўйи мамлакатларида вазият бир қадар барқарорлигини таъкидлаш зарур. Шундай булсада, титул бўлмаган миллатларга бўлган муносабатни қониқарли деб бўлмайди. Хусусан “ русийзабон аҳоли”га қандайдир “оккупантлар” сифатида қараш одатий ҳолга айланган.

Ҳар хил ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш шу ерда туғилиб, яшаётганидан қатъи назар, “оккупантлар”га мамлакат фуқаролигини бермаслик, миллий тилда таълим олиш имкониятини чуқлаш орқали уларни ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидан мумкун қадар четлатиш орқали кучиб кетишга мажбур қилишга уриниш мазкур миллий сиёсат моделининг асосий хусусияти ҳисобланади.

Агар жиддий эътибор бериладиган бўлса, юқоридаги миллий сиёсат шакллари асосий бўлмаган миллатларъининг зич яшабини салбий ҳодиса сифатида баҳолашга таянади. Аслида эса турли халқларнинг бир ҳудудда ҳаёт кечириши том маънодаги бойликдир. Зеро, мутафаккирлардан бири таъкидлаганидек " икки кишида биттадан олма бўлиб, улар алмашсалар, уларнинг ҳар бирида биттадан олма бўлади. Аммо икки кишида биттадан ғоя бўлиб, улар алмашганида эса уларнинг ҳар бирида биттадан иккитадан ғоя бўлади.”

Ўзаро ҳурмат ва ишонч асосига қурилган миллатлараро муносабатларини ҳам анашунга қиёслаш мумкин. Чунки ҳар бир миллат ўзининг тили, бетакрор маданияти, урф- одат ва анъаналарига эга. Биргаликда яшаш ва ҳамкорликда ҳаёт кечириш натижасида уларнинг ҳар

бири янада бойийди, урф-одатлар, анъаналар таъсирида бўлиб сақлашади, доимий равишдаги ўзаро муносабат ва мулоқат туфайли халқларнинг турмуш тарзи ўзгаради.

Инсониятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларда эришган ютуқлари ана шундан далолат бериб туради.

2. 4. Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик

Юқорида қайд қилинганидек, кўп миллатлилик мустақил ривожланиш йўлидан дадил олға бораётган Ўзбекистон учун ҳам хосдир. Агар 1897 йилда мамлакатимизнинг бугунги худудида 70 миллат ва элат вакиллари яшаган бўлса, 1926 йилда уларнинг сони 91тага етди. Бугунги кунга келиб, уларнинг сони 136 та бўлиб. Ўзбекистон аҳолиси таркибидаги улуши 20 фоизни ташкил қилади .

Ўзбекистонга этник гуруҳларнинг мамлакат бўйлаб тарқоқ яшашини ифодаладиган кўп миллатлилик билан бир қаторда, муайян миллатлар вакиллари алоҳида ҳудудларида зич яшаш ҳолатини назарда тутадиган мулътимиллатлилик ҳам хосдир. Демак, оқилона ташкил этилган миллий сиёсат мамлакатимиз учун ҳам муҳим ҳаётий аҳамиятга эга.

Маълумки, миллатлараро муносабатлар миллатлар, элатлар, этник гуруҳларнинг ўзаро ва турли этнослар вакилларининг шахсларининг алоқаси, муносабатидек икки шаклда мавжуд бўлади. Структуравий нуқтаи назардан эса, у ижтимоий ҳаёти соҳаларига мос равишда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий муносабатлар кўринишида намоён бўлади.

Мазкур ҳолат биринчидан, жамият миллий тузулишининг таркибий қисми ҳисобланган этносларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий маданий эҳтиёж ва манфатларини рўёбга чиқариш ва олдиндан кўриш, иккинчидан, миллатлараро муносабатларда кечаётган жараёнларни тўғри баҳолаш ҳамда мавжут муаммоларни ҳал қилишга қаратилган, комплекс характерга эга чора-тадбирларни ишлаб чиқишидек бир-бири билан узвий боғлиқ икки вазифани ҳал этишни тақоза этади. Уларнинг мувафақиятли ҳал қилиниши миллий ҳаётда кечаётган ўзгаришларининг характери ва йўналишини, назоратини ташкил этиш ва ечиш имкониятларини беради.

Қайд этилган вазифаларнинг қандай мақсадларни кўзлаб ҳал этилиши эса моҳият-эътибори билан стихиялиликлка деярли ўрин қолдирмайдиган, ижобий ёки салбий мазмунга эга миллатлараро муносабатлар тилини

шакллантириш асос бўлади . Хусусан, миллий тунгсизлик, ўзга миллатларга нисбатан беписантлик билан қараш, муайян ҳолларда эса антагонизмнинг устуворлиги миллатлараро муносабатларнинг салбий мазмунга эгалigidан далолат беради.

Миллатлараро муносабатлардаги барқарорлик ўз-ўзидан юзага келмайди. Мамлакатимизга нисбатан татбиқан олинганда эса, миллатлараро муносабатларнинг тенг ҳуқуқийлик, ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамкорликка асосланган ўзига хос сифатий ҳолати миллатлараро тотувлик қарор топганини алоҳида қабул этиши лозим. Бошқача айтганда, оқилона ташкил этилган миллий сиёсат натижасида муайян кучлар аланга олишидан манфаатдор бўлган, мустабид тузум даврида, оқилона ташкил этилган миллий сиёсат натижасида муайян кучлар кучлар аланга олишидан манфаатдор бўлган, мустабир тузум даврида дарз кета бошлаган этник муносабатлар истиқлол туфайли мутлақо янги асосда ривож топди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов бу ҳақда тўхталиб, “алоҳида ғурур ва ифтихор билан таъкидлаб айтмоқчиманки, Ўзбекистонинг бойликлари кўп, лекин бизниг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз, бу-жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликдир¹” деб такидлаган эди.

Буни хорижлик мутахсислар ҳам эътироф этишмоқда. Япониялик олим Шен Вашанабекнинг фикрича, миллатлараро муносабатлар билан боғлиқ муаммоларни ечида уч хил йўл мавжуд. Биринчи АҚШ, Франция, Германия каби давлатларга хос бўлиб, у иқтисодий фаровонликни таъминлаш, турли этник гуруҳларнинг моддий эҳтиёжларини ҳар томонлама қондиришга асосланади. Ироқ, Афғонистон, собиқ Югославия каби мамлакатларда намоён бўлган иккинчи йўл зўрликка таяниши ва ҳар

1. Каримов И.А. Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 10 йиллигига бағишланган тантанали мажлис қатнашчиларига табрик хафсизлик ва тинчлик учун курашамиз. 10 жилд –Т: “Ўзбекистон”, 2002, 181-бет

қандай миллийликни бостиришга интилиши билан ажралиб туради. Учинчи йўлнинг энг ёрқин тинсоли Ўзбекистон бўлиб унда миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлашда миллийлик ва умуминсонийликнинг энг яхши жиҳатларини ўзида мужассам этган маънавият, таълим, меҳр муруват каби кадриятлар негизи асосланиб, сиёсат олиб борилади¹.

Шу нуқтаи назардан қараганда, юқорида қайд этилгани назария ва амалиёт шаклларида фарқ қилган Ўзбекистон миллий сиёсатининг мохияти И.А.Каримовнинг “Ҳар қандай миллат, у нақадар кичик бўлмасин инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай миллат бирликнинг унинг тили, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши ер юзидаги маданий ва генетик фонднинг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади,”²- деган сўзларида ўзининг ёрқин ифодасини топган, дейиш мумкин.

Ўзбекистон ўзи танлаган бу йўлнинг мохиятини мустақилликнинг илк кунлариданоқ очик баён қилиб, бу борада тегишли ҳуқуқий замин ярата бошлаган эди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғричидаги Олий Кенгаш Баёнотида Ўзбекистон ўз худудида яшовчи барча халқларга тенг сиёсий ҳуқуқларни ва ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ривожланишда имкониятларни қафолатлаши, ирқчилик, шовинизм, миллатчиликни, халқларнинг ҳуқуқларни чеклаш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қатъиян қарши чиқиши эълон қилинган эди. Бундай қоида 1991 йилнинг 31 августида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Қонунда ҳам мустаҳкамлаб қўйилди”³.

Айни пайтда, Республикамизда кўп миллатлиликка яратувчилик қудратига эга бўлган омил сифатида қаратилганини алоҳида такидлаш лозим.

1. Убайдуллаев Р. Бекмуродов М. Приоритет личного развития Правда Востока, 2004, 13 февраль

2. И. А. Каримов . Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хафизликка таҳдид, барқорорлик шартлари ва тараккиёт қафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997, 73-74 бетлар

3. Ўзбекистон Республикаси: Мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. – Т. : Ўзбекистон, 1992 , 7-8, 12, бетлар

Айрим салбий совет Республикасидан фарқли равишда, истибдод даври йўқотишлари учун “айбдор” ларнинг қидирилгани ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлади. “Истиқлолога эришган халқ ўзгаларга зуғум қилмайди,-деб ёзади И . А. Каримов маълумки, тайзиқ ва тахқирдан қутулган, ўз қадрини билган халқимиз. Ўз кунига ишонган ва ўзларига ҳамдард бўла олишган қодир эркин халқимиз”¹.

Халқимизга хос кўп асрлик бағрикенглик анъаналари ва бугунги инсонпаварлик сиёсатимизнинг мақсадини турли миллатга мансуб юртдошларимизнинг сўзларидан ҳам билиб олиш мумкин. Навоий вилояти Навоий тумани “Нарпай” ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи. Саида Арутюнова шундай жинойт қилади: “Хамқишлоқларимизнинг оддий ва арман айёлига билдирган иззат-икромидан кўнглим тоғдай баланд Шунча йил яшаб, ҳеч қачон келганди ёки мусофир деб камситганим йўқ”

II жаҳон уруши давларида шу қишлоққа кўчиб келган Алиса Элинора эса “Ҳозир ёшман 78 да шу пайтгча ҳеч ким немис миллатига мансублигимни юзимга солган эмас” деб фикр билдиради. 20 миллатга мансуб 10500 киши истиқомат қилган мазкур қишлоқда яшамоқчи турли миллат вакиллари бўлган ушбу фуқароларнинг фикрларини ҳам Республикамиз миллат сиёсатининг моҳиятини акс эттиради, деб бемолал айтишимиз мумкин².

1. Каримов И. А. Ўзбекистон-келажаги буюк давлат
-Т.: Ўзбекистон, 1992, 8-б

2. Миллат равнақи-Ватан равнақи II Халқ сўзи, 2002, 31 октябр.

Ўзбекистон ўзининг миллий сиёсат моделининг танлар экан, мазкур соҳада халқаро ҳуқуқнинг ҳам содиқлигини эълон қилганини алоҳида қайд этиш зарур. 1992 йил 26 февралда Ўзбекистон Республикасининг Хельсинки якунловчи ақтига имзо чекиш маросимида сўзга чиқиб, И.А.Каримов умумбашарий қадриятлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни таъминлаш, оз сонли миллатларни ҳимоя қилиш, миллати ва динидан, ижтимоий насл-насаби ва мавқеидан қатъи-назар, давлатнинг ҳар бир фуқароси учун муносиб тирмуш шароитини яратиш талаблари бизга яқин ва тушунарли эканини таъкидлаб, “мен халқ ва ҳукумат номидан миллатларни ҳимоя қилиш, миллати ва динидан, ижтимоий насл-насаби ва мавқеидан қатъи-назар, давлатнинг ҳар бир фуқароси учун муносиб тирмуш шароитини яратиш талаблари бизга яқин ва тушунарли эканини таъкидлаб, “Мен халқ ва ҳукумат номидан ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида чақиришнинг асосий кафолати бўлиши фуқаролар ва миллатлараро иноқликни, фикр виждон, дин ва эътиқод эркинликларини сақлаб қоламиз ва ҳар томонлама мустақиллигимиз деб атайман ва бунга қатъий қарорлари деб атайман ва бунга қатъи кафолат бераман ¹”-деган эди.

Республикаимиз амалда шу қарорга қатъи риоя қилмоқда. Бу миллий сиёсат Конституциямизда ҳам ўз ифодасини топган:

-Миллий тил, урф-одат ва анъаналар ҳурмат қилишини таъминлаш ва уларнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароит

1. Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. –Т.: Ўзбекистон, 1992 , 4-бет.

яратиш;

-Фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, шахси, ижтимои келиб чиқиши, ва мавқеидан қатъи назар, тенглиги; - Миллий мансублигидан қатъи назар, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимои ҳаётидаги тенг ҳуқуқлари иштирокини кафолатлаш, уларнинг конституциявий ҳуқуқи ва эркинликларига қараш қаратилган миллий, ирқий, диний аралаш ва низомни тарғиб қилувчи фаолятига йўл қўймаслик;

-Ўзбекистон Республикасида ижтимои ҳаёт, сиёсий институтлар, мафкура ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланишини таъминлашдек асосий таъмойиллар шаклида ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Булар конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган ва таъбири жоиз бўлса, “этник ранг” касб этган таъмойиллардир. Аслида эса “Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”,¹ деган қоидадан келиб чиқилса, Асосий қонунимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлар барчага бирдек тегишли экани англашдир. Демак, миллий сиёятимизнинг асосий мақсади қишлоқларимизнинг, этник ва бошқа белгиларидан қатъи назар ягона Ўзбекистон халқи сифатида жипслашуви ва бирлигига эришишдир.

Ўзбекистоннинг миллий сиёсат модеми унинг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолятида ҳам ўз ифодасини топган.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010, 19-бет.

Бу мамлакатларимизнинг БМТ ва бошқа халқаро ҳамда минтақавий ташкилотларининг ҳамкорлик, тинчлик, этник можароларини тинч йўл билан ҳал қилиш фаолятига мос сиёсат олиб борилаётганда ҳам яққол кўринмоқда.

Републикамиз миллат ва элатлар ҳуқуқ ва эркинликларни муҳофаза қилишга доир халқаро битимларни амалга ошириш халқаро майдонда этник бирликларнинг ҳуқуқларини таъминлаш масаласига доир тамоиллар ишлаб чиқиш жараёнида ҳам фаол катнашмоқда. Хусусан, Ўзбекистон фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро факт, ирқий камситишларнинг барча турларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция, геноцит жинойтларининг олдини олиш ва унга нисбатан жазолар тўғрисидаги конвенция, миллати, элати, дини ёки тили нуқтаи назаридан кам сонли бўлган гуруҳга мансуб шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги декларация каби қатор ҳужжатларни имзолагани ҳам мазкур йўналишдаги ҳаракатлар кўламини белгилаб беради ¹.

Юқорида қайд қилинган тамойилларга асосланган ва оқилона ташкил этилган сиёсат туфайли миллатлардан қатъи назар, барча фуқаролари жамиятимиз ижтимои-сиёсий, маънавий ҳаётида фаол иштирок этиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида самарали меҳнат қилиб келмоқда. Улар Ўзбекистонни ўз Ватан , тақдири Ўзбекистон тақдири туташ, ўз миллий маданиятлари ривожини Ўзбекистон тараққиётининг узвий қисми деб билмоқда.

1. Права человека. Выпуск1. –Т.: 1997,5-6-бетлар

Фидокорона меҳнати ва ижтимоий ҳаётидиги фаол иштироки учун
Ватанимизнинг олий мукофоти “Ўзбекистон қаҳрамони” унвони билан бир
қаторда, рус, тожик, украин, қозоқ, корейс, араб мамлакатларига мансуб
юртдошларимизнинг борлигига унинг ёрқин мисолидир.

2. 5. Мустақиллик ва миллий тариқиёт

Яқин ўтмишда ҳар бир халқнинг ўз тарихи, маданияти, тили, анъаналарини билиш ва ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортиб бориши миллатчиликнинг ўсиши деб баҳоланар эди.

Бундан фарқли ўлароқ, мустақил республикамызда миллий – маданий эҳтиёжларни қондириш, этник кадриятларни асраб авайлаш ва ривожлантиришга интилиш табиий – тарихий жараён сифатида баҳоланмоқда. Шундан келиб чиқиб, ўтган йиллар давомида этномаданий ўзига хосликларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун тегишли шарт – шароитларни яратиш билан бир қаторда:

-халқлар дўстлиги, миллатлараро тотувлик ва яқдиллик ғояларини мунтазам тарғиб – ташвиқ қилиш, ватанпарварлик хис – туйғуларини ўстириб бориш;

-этномаданий анъана ва кадриятлар ранг – баранглигини сақлаб қолиш, уларни ўрганиш ва амаллаштиришни рағбатлантириш;

-турли миллат ва элатлар вакилларининг мамлакат ижтимоий – маданий ҳаётида тўлароқ иштирок этишида ёрдам берадиган уюшмалар, фольклор дастлабки, ансамбллар ва бошқа жамоа бирлашмалари ишини янада фаоллаштиришдек вазифани хал қилишга алоҳида эътибор берилганини қайд этиш лозим.

Давлат ўзини демократик, дунёвий давлат деб эълон қилгани билан миллатлараро муносабатлар, миллий тил, маданият, урф – одат ва кадриятларни ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар ўз – ўзидан йўқ бўлиб кетмайди. Биргина мисол, 2004 йилда АҚШ нинг Сиэтл шаҳрида бўлган лингвистларнинг халқаро анжуманида келтирилган маълумотларга кўра, 2050 йилга келиб, ҳозирда мавжуд 6800 тилнинг ярми йўқ бўлиб кетиши мумкин. Мавжуд жами тилларнинг 6100 тасида (90 фоиз) гаплашадиган кишиларнинг умумий сони 100 мингдан ошмайди. 46 тилда

биттадан, 357 тилда элликтадан гапирадиган одам қолган, холос¹. Демак, ҳуқуқларни декларация қилиш билан бир қаторда уларни амалга ошириш йўлида конкрет ишлар қилинсагина, тенглик реал характер касб этади, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш имконияти пайдо бўлади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимизда турли миллат ва элат вакилларининг маънавий – маърифий эҳтиёжларини тўлақонли қондириш, уларнинг урф – одат ва анъаналари ривожига ҳар томонлама шарт – шароит яритиш мақсадида Республика байналмилал маданият маркази тузилгани, миллий маданият марказлар фаолиятига кенг йўл очиб берилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди. Агар 1991 йилда уларнинг сони бор йўғи 10 та бўлса, 2005 йилга келиб Республикаимизда 27 миллат 138, ҳозир эса уларнинг сони 150 дан ортиқдир. Жумладан, корейсларнинг 31 та, русларнинг 23 та, тожиқларнинг 10 та, қozoқларнинг 9 та, татарларнинг 3 та, озарбайжонларнинг 8 та, туркманларнинг 7 та, украин ва қирғизларнинг 6 тадан, турклар ва яҳудийларнинг 5 тадан, немислар, поляклар ва арманларнинг 4 тадан, уйғур ва Бухоро яҳудийларининг 3 тадан, белорус ва қрим татарларининг 2 тадан, араблар, болгарлар, бошқирдлар, греклар, грузинлар, литваликлар, қорақалпоқлар, хитойлар ва дунганларнинг 1 тадан миллий – маданий марказлари юртимизда фаолият кўрсатмоқда². Улар ўзлари мансуб бўлган этноснинг тили, маданияти, урф – одатлари, анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, миллатлараро тотувликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

“Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, - деб таъкидлаган эди И.А.Каримов, - мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир халқ ва миллатнинг этник ўзига хослиги, тили, урф – одати, анъаналарини сақлашга муҳим роль ўйнайдиган миллий – маданий марказларнинг фаолиятини

1. В XXI веке на Земле исчезнут 3400 языков || Зеркало XXI, 2004, 13 (221)

2. Худойбердиев Х. Ўзбекистон мустақиллиги даврида миллатлараро тотувлик || Илм-фан чашмаси 2011, 30 сентябр.

ривожлантириш учун бугун барча шарт – шароит ҳамда имкониятларни яратар эканмиз, бу билан биз одамларнинг тинч ва осойишта ҳаёти, эртанги кунга ишончининг мустаҳкам пойдеворини бунёд этган бўламиз¹”

Айтиш мумкинки, миллий – маданий марказлар ўз олдиларидаги ана шу масъулиятни ҳис қилган ҳолда фаолият кўрсатмоқда.

Биринчидан, улар миллий кўшиқ, ракс, анъаналарни сақлаб қолиш ва ривожлантириш йўлида амалий ишларни бажармоқда. Миллий – маданий марказлар қошида қирғизларнинг “Сайра Қомуз”, украинларнинг “Джерелло”, дунганларнинг “Чинмё” фольклор ансамбли каби 40 дан ортиқ бадиий жамоалар фаолият кўрсатгани бунга мисол бўла олади.

Иккинчидан, профессионал санъат намуналарини тарғиб қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Қозоқларнинг “Коктем”, арманларнинг “Хоравақ – шоу”, русларнинг “Тряduшие”, немисларнинг “Югеншберн”, месхети туркларининг “Мико” театр – студиялари, русларинг “Ветеран”, полякларнинг “Пляст”, белорусларнинг “Катюша”, яхудийларнинг “Шалом”, каби хор жамоалари ва чолғу асбоблари оркестри каби 30 дан ортиқ бадиий жамоалар фаолиятида бунинг исботини кўриш мумкин.

Учинчидан, ҳар бир миллат истиқболи табиий равишда ёшлар билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, миллий – маданий марказлар ёшларни миллий маданиятга муҳаббат, этник қадриятларни ўрганиш ва эъзозлашга муҳаббат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқда. Бунинг русларнинг “Топатушки”, корейсларнинг “Са – мульт”, немисларнинг “Наши хорошки”, полякларнинг “Мазурчек” каби жами 15 га яқин болалар ансамбллари фаолиятида кўрса бўлади.

Миллий – маданий марказларнинг қайд этилган йўналишлардаги фаолияти, бир томондан, диаспора вакиллари миллий тарих, урф – одат

1. И. А. Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашамиз. 10- жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 2002, 182-бет,

ва анъаналардан хабардор қилишга бошқа томондан, этник ўз – ўзини англашга таъсир қилиб, миллий бирликнинг мустахкамланишига хизмат қилмоқда.

Таълим тизим миллатлараро тотувлик ғоясини сингдиришга хизмат қилувчи муҳим механизм таъсир қилиши билан бир қаторда, таъбир жоиз бўлса, миллатлараро муносабатларнинг аҳолини кўрсатувчи ўзига хос лакмус қоғози ҳамдир.

Шундай экан, таълим тизимда ижтимоий адолат устуворлигини асосийси, бу мезонлар ҳамиша аниқ кўринишга эга бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, миллий сиёсатимизда таълим билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда ўрта ва олий таълим 7 тилда олиб борилаётгани (ўзбек, қорақалпоқ, рус, қozoқ, тожик, қирғиз, туркман), миллий тилларда боғчалар, мактаблар тизимини ривожлантириш, уларни педагогик кадрлар ва зарурий ўқув дастурлари ҳамда дарсликлар билан таъминлашга алоҳида эътибор бериш миллий сиёсатимизда марказий ўринни эгаллаганини таъкидлаш жоиз.

Айни пайтда, мустақиллик миллий ҳаётда мутлақо янгилик бўлган якшанба мактабларининг пайдо бўлиши ва ривожланишига замин яратганини қайд этиш зарур. Айнан якшанба мактаблари республикаимизда яшовчи диаспораларга ўз она тиллари, миллат тарихи ва маданиятини ўрганиш учун имконият яратиб бермоқда. Масалан, арман маданий маркази қошидаги якшанба мактабида бугунги кунда арман тили ва адабиёти билан бир қаторда ҳалқ хореографияси ҳамда фольклоридан таълим берилади.

Поляк, украин, грек миллий – маданий марказлари қошида ташкил этилган якшанба мактабларида таҳсил олган ўнглаб ёшлар бугунги кунда Полша, Украина, ва Греция олий ўқув юртларида таҳсил олмоқда.

Камсонли диаспораларнинг ўз тиллари, тарихи ва маданиятини ўрганиши ҳақида гап кетар экан, мамлакатимизда яшовчи яҳудийлар учун ҳам худди шундай имконият яратилганини таъкидлаш зарур. Хусусан,

Тошкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида ташкил этилган мактабларда яҳудий миллатига мансуб болалар иврий тили, яҳудий халқи тарихи, маданиятини ўргана бошлангани мустақиллик берган имкониятлар самарасидир.

Олий таълим тизимида эса ўқиш миллий тилларда олиб бориловчи махсус факультет ва бўлимлар фаолияти кўрсатмоқда. Хусусан бир қатор ўқув юртларда рус, тожик, козок, туркман филологияси факультетлари, педагогика ва бошланғич таълим методикаси мутахассислари тайёрловчи бўлимлар мавжудлиги фикримизнинг далилидир. Умуман олганда, қардош тилларда фаолият кўрсатаётган факультет ва бўлимларнинг 30 фоизи мустақиллик шароитида ташкил этилганлигини таъкидлаш зарур.

Юқоридаги мисоллар республикамиздаги ҳар бир миллат вакилининг истеъдоди ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, қадрият, анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қаратилган миллий сиёсатимизнинг асосий тамойиллари ҳаётда ўзининг аниқ ечимини топаётганлигининг исботидир.

2.6. Ягона Ватан туйғуси

Ҳаётда энг кўп ишлатиладиган сўзлардан бири – Ватан десак хато бўлмас. Инсон инсон бўлибдики, бу сўзнинг маъносини англашга интилади. Аммо буюк аждодларимиз меросига мурожаат қилиш, бошқа эл ва халққа мансуб улуғ инсонлар ижодини ўрганиш, халқ донолигининг ажойиб намуналари бўлган мақоллар, ривоятларга қулоқ тутиш жараёнида бу муқаддас тушунчанинг янгидан-янги қирраларини кашф этамиз. Аммо шунга қарамай, ҳар бир авлод “Ватан” тушунчасини янгидан кашф этади, ўз ижоди, кашфиётлари ва фаолияти билан унинг маъно-мазмунини кенгайтиради. Дарҳақиқат, “Ватан” тушунчасининг қамрови ниҳоятда кенг. Ватан деганда тасаввуримизда дастлаб инсоннинг киндик қони тўкилган тупроқ, уни камолга етказган, ҳаётга маъно-мазмун бахш этадиган маскан гавдаланади. Зеро, ҳар бир кишининг ўз туғилган ери, ўсиб-улғайган юрти бор. Турли сабабларга кўра Ватанидан узоқда яшашга мажбур бўлган мусофирларнинг ўз киндик қони тўкилган ўлкага талпиниб яшагани, юрт соғинчи билан ўртангани ҳам шундан. Ҳинд замонида улкан давлат барпо этган, илму-фан, адабиёт ва санъатда ўчмас из қолдирган шоҳ Мирзо Бобур Андижондан келадиган ҳар бир хабарга муштоқ бўлгани, юртдан мужда келтирувчи мева-чеваларни кўрганида ёш бола янглиғ ўзини тутаолмагани ҳам шундан. Инсон юрагини ларзага солувчи қуйидаги ўтли мисралар ҳам ана шу туйғуларнинг ифодаси ўлароқ битилгани шубҳасиз:

Кўпдин берики ёру диёрим йўқдур,
Бир лаҳзаю бир нафас қарорим йўқдур.
Келдим бу сори ўз ихтиёрим бирла,
Лекин борушимда ихтиёрим йўқдур.¹

Ёркентда меҳрибон шогирдлари ва мухлислари орасида яшаганига қарамай, Фурқатнинг “Ғурбатда Фурқат” дея Ватандан жудоликдан

1. Бобур. Шерият. – Г. Ўзбекистон, 1982, 108-бет.

ўрганган барчамизга яхши маълум. Истибод даврида Ватанни тарк этишга мажбур бўлган ва истиқлол шарофати ўлароқ юртга қайтиш, унинг жамолидан баҳраманд бўлиш имконига эга бўлган ватандошларимизнинг севинчли кўз ёшларида ҳам, хорижда яшаб, Ватан тупроғига бош қўйишдан бебаҳра бўлганлар армонида ҳам ана шу туйғу ифодаланган. Демак, Ватан оддий тупроқ бўлмай, аجدодлар ҳаёти кечган, уларнинг хоклари билан муқаддаслашган, халқнинг турмуш тарзи шаклланган қутлуғ макондир. Бошқача айтганда, Ватан халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги мужассамлашган юртдир.

Мамлакат ва ўлкалар кўп. Аммо инсоннинг отаси, онаси ҳам Ватани ҳам битта. Шунинг учун ҳам, қорли дараларга бой тайгалар эскимос учун, ҳадсиз чўллар қозоқ учун, ям-яшил водийлару кенг далалар ўзбек учун қадрли ва азиздир. Айнан мана шундай авлодлар ўртасидаги боғлиқлик “Ватан” тушунчасида жо бўлган. Айнан мана шунинг учун ҳам, унга даҳл қилиш ҳаёт ва мамот масаласи каби қабул қилинади. Ошиёни бузилган қалдирғочнинг чирқиллашини кўрганмисиз?

Ватан тушунчаси ҳақида гап кетар экан, яна бир ҳолатга диққатни қаратиш лозим. “Ўзбекистон – Ватаним маним” деган мағрур жарангловчи шиор бугунги кунда мамлакатимзда истиқомат қилувчи русу тожик, қозоғу қирғиз, туркману корейс, арману грузин каби миллат вакиллари тилида жаранглаб, миллий бирлигимиз тимсолига айланаётгани, катта-кичик тадбирларда ранго-ранг либос кийган турли миллат болаларининг Ўзбекистонни чин дилдан мадҳ этаётгани Ватан барча ўзбекистонликлар учун том маънода ягона эканидан далолат беради. Ёки жаҳон миқёсидаги турли спорт мусобақаларида юртимиз вакилларининг ғалабаси, ғолиб бўлганликлари учун уларнинг шарафига озод Ватанимиз байроғи баланд кўтарилгани, кўзларидаги севинч ёшлари, Юрт байроғини кўзларига суртиб, кўксини баланд тутгани бу муборак тупроқ ҳар бир юртдошимизга чексиз ғурур-ифтихор бахш этишини кўрсатди. Буларнинг барчаси “Ватан”

тушунчасининг мазмун-моҳияти, сеҳру жозибаси ва қудрати унинг барчага тенглиги ҳамда барчани бирлаштира олишида ҳам намоён бўлишини кўрсатади.

Ватани бор одамнинг ғурур ва ифтихори юксак, мақсад ва маслаги аниқ бўлади. Тоғдек таянчи – Ватани борлигини ҳис этган инсон ҳар қандай синовга, ҳар қандай машаққатга доимо тайёр туради.

“Мен 1997-йилнинг сентябрида ўзимнинг тарихий Ватаним бўлмиш Жанубий Кореяга сафар қилдим.”- деб хотирлайди Г.Ким,-Орадан бир ҳафта ўтмасданоқ мен Ватаним, туғилиб ўсган ерим, Ўзбекистонни соғина бошладим.

Шунда мен дунёда Ўзбекистондан кўра азизроқ жой йўқлигини ич-ичимдмн туйдим. Нега Ўзбекистон мен учун шундай азиз бўлиб қолди? Чунки, мен шу ерда ўсдим ва шу ерда яшаяпман. Энди менинг келажак ҳаётим ҳам шу Ватан истиқболи билан чамбарчас боғлиқ.¹

Ватан мавҳум тушунча эмас. “Бир гал Туркменистонга бориб, катта тўйда кураш тушдим.Ишонасизми,16 полвон билан олишиб,барчасини енгдим. Тўйдан сўнг одамлар биз тушган автобусни ўраб олишди . “Шу мард, пахлавон ўғлимизни бизга қолдиринг, кам қилмаймиз. Биз ҳам ўз элимизда шундай зўр полвонимиз бўлишини хоҳлаймиз. Йўқ деманглар”. Табиийки бу таклифга на мен, на отам рози бўлдик,- деб хотирлайди машҳур спортчи, кураш бўйича жаҳон чемпиони Махтумқули Махмудов.- Отам ётиғи билан: “Биродарлар, мени тўғри тушунинг, менда зарра ихтиёр йўқ. Махтумқули менинг полвоним эмас, у Сурхондарёнинг, Ўзбекистоннинг полвони,” дедилар².

Келтирилган икки ҳаётий мисол ҳам юртдошларимизда миллатидан қатъий назар ягона Ватан туйғуси шаклланганининг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон халқи ҳаёти ва тафаккурида содир бўлаётган ижобий

1. Гликерья Ким Эзгулик ва бахт – саодат ғояси || Миллий ғоя –бизнинг ғоя. –Т.: 2000, 131-бет

2. Махмудов М. Ўзбекистон шарафи – ҳар нарсадан улуг || Миллий ғоя – бизнинг ғоя. – Т. : 2001, 96-бет

Ўзгаришларни яққол кўрсатувчи бундай мисолларни яна истаганча топиш мумкин. Аммо миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш серқирра ва мураккаб жараён эканини, у кундалик фаолиятининг узвий қисмига айланган тақдирдагина ижобий самара беришини ҳеч қачон ёддан чиқармаслик лозим.

Шу нуқтаи назардан қараганда, жойларда миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришга қаратилган ишлар мазмунан бой ва шаклан ранг-баранг бўлишини таъминлаш зарур. Зеро, ҳар бир инсоннинг ҳаёти муайян бир ташкилот ва яшаш жойида кечади. Айнан мана шу нуқталарда тарғибот ишларининг тўғри ташкил этилиши фуқароларнинг назарий ва амалиёт бирлигини чуқур англашларига ёрдам беради.

Узоқ давр мобайнида ҳукмрон бўлган бир хил фикрлаш иллатидан қутулиш, тафаккурни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ақидалар кишанидан озод қилиш, кишиларимизда демократик тамойиллар, қонуннинг устуворлигига ҳурмат туйғусини камол топтириш ҳам муҳим вазифадир.

Мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришлардан миллати, элатидан қатъий назар, барча фуқароларимиз тез, чуқур ва кенг хабардор бўлиб боришига эришиш зарур. Чунки бунинг мамлакат, юрт тақдирига дахлдор туйғусининг камол топишидаги ўрни бекиёсдир.

Хулоса ўрнида инсонпарварлик моҳиятига эса миллий сиёсат моделининг ишлаб чиқиши ва амалга татбиқ этилиши мамлакатимиз ҳаётида туб ижобий ўзгаришларнинг содир бўлишига замин яратди, деб ишонч билан айтиш мумкин. Шундан кейин, юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатлар вакиллари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик республикаimizдаги ижтимоий – сиёсий барқарорлик ва тараққиётнинг муҳим омилларидан бири бўлиб қолаверади.

Хулоса

Мамлакатимиз халқларининг, хусусан ўзбек халқи ва унинг аجدодларининг маънавияти узоқ ўтмишга бориб тақалади. Жумладан, бртбошимиз И.А.Каримов юртимизда шаклланган давлатчиликни уч минг йилдан ҳам ортиқроқ шаклланганлигини қайд қиладилар. Халқимиз маънавияти унданда олдинроқ шакллана бошлаган. Лекин юртимиздаги мавжуд бойликларга қарши, куролмаган, хасадгуй, босқинчилар, бу бойликларни эгаллашга кўп маротаба ҳаракат қилдилар. Юртимизни, эронийлар, македонийлар, кушанийлар, араблар, муғуллар, руслар ва бошқалар топтадилар, бойликларини таладилар. Маҳаллий халқ маънавиятини сусайтиришга интидилар.

Бунинг устига мамлакатимиз ҳудуди буюк ипак йўли чоррахасида жойлашганлиги турли сабаб ва оқибатлар туфайли купҳалқли, куп миллатли, кўп эллатли масканлардан бирига айландилар.

Ўзбекистон тарихини ўрганиш шуни кўрсатадики мамлакатимиз ҳудудида турли миллат ва эллатлар ўртасида ҳеч қандай низолар, келишмовчиликлар содир бўлмаган. Бу эса юксак маънавиятнинг бу юртда умргузаронлик қилган барча халқлар, миллатларга, эллатларга кучли таъсир қилганлигидан дарак беради.

Бизнинг битирув малакавий ишимиз шу жараён ҳақида тадқиқот қилишимизни талаб қилди. Ушбу мужазгина тадқиқотимизда мулжалланган масалаларни баён этиш жараёнида қўйидаги хулосаларга келдик:

Биринчидан ҳар қандай инқироз, бухрон, низо, разил ва яроқсиз ҳаракатларни бартараф этишда муҳим омил ҳисобланади. Аксинча қаерда маънавиятсизлик мавжуд бўлса уша ерда разиллик, адолатсизлик, миллатчилик, миллий низо, миллий зиддиятлар содир бўлаверади. Шу маънода И.А. Каримов “Маънавият- инсонни рухан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват,

иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадигон беқиёс куч, унинг барча қарашларининг меъзонидир”, деб баҳолаган эди:

Иккинчидан, инсоният тарихида ижтимоий тараққиётга қараб кишиларнинг тарихий бирликлари шаклланади ва ривожланади. Уларнинг энг юксак босқичи миллатдир. Миллатлар ижтимоий тараққиётга қараб шаклланган, бурхон инқирозлар уларни баъзан тарқатиб юборган. Проф. Қ. Хоназаров “ миллат деганда умумий тилда сўзлашиб, бир бутун умумий ҳудудда истиқомат қилиб турган, бирга иқтисодий ҳаёт кечирадигон, умумий маданий, маънавий ва рухий муҳитга эга кишиларнинг тарихан шаклланган барқарор бирлигини” тушунади:

Учинчидан, миллатлар энг қадимий, қадимий, ва ўрта асрлар миллатлари, янги замон миллатлари сифатида шаклланган ва ҳозирги даврда дунёда 7000 га яқин миллат, эллар мавжуд:

Тўртинчидан, дунёдаги мамлакатларнинг аксарияти кўп миллатли 20 га яқин эса озмиллатли мамлакат ҳисобланади. Турли ижтимоий тарихий ўзгаришлар туфайли, айрим ҳолда нотўғри миллий сиёсат юритиши натижасида кўпмиллатли маеканлар, ҳудудлар, мамлакатлар вужудга келди. Ҳозирги дунёда содир бўлаётган глобаллашув ҳодисалари бу соҳага ҳам ижобий ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда:

Бешинчидан, яқин ўтмишда собиқ иттифокда ўтказилган миллий сиёсатдаги зўровонлик, Франция, АҚШнинг Вьетнам ва бошқа ҳудудларда олиб борган сиёсатини оқламади:

Олтинчидан, миллатлараро муносабатларда юксак маънавиятга асосланган миллий сиёсат ҳақидаги Ўзбекистон модели ҳаётда амалий тасдиқланди, маънавият тамойиллари асосида турли миллатлар ҳамжихатлигини қарор топтирди:

Еттинчидан, маънавият тамойиллари асосида Ўзбекистонда яшаётган бошқа миллат ва эллар вакиллари ҳам ўзаро таъсир ва яхши қафолатли муносабатлар асосида ривожланиб бормоқда:

Саккизинчидан кўп миллатли мамлакатларда муҳим маънавий ходиса “Ягона ватан” ғоясини амалда жорий қилиш ҳисобланади. Натижада Ўзбекистонда яшаётган 136 миллат эллат вакиллари Ўзбекистонни ўз тарихий Ватаним деб баҳоламоқдалар:

Таклиф ва тавсиялар

1. Мамлакатимизда купмиллатлилилик ХХІ асирдаги реал ҳолатини аниқлаш зарур. Бунинг учун яқин келажакда республикаимизда “аҳоли руйхатини ўтказишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.
2. Ўзбекистон купмиллатли мамлакатлардан бири. Бу жараёни янада мустаҳкамлаш учун, миллатлар ва эллатлар ўртасида ҳам жихатлик, бағрикенглик масалаларининг самарадорлигини ошириш учун Республика илмий- амалий конференциясини марказий олий ўқув юртларидан бирида, хусусан Тошкент давлат педагогика университетида ўтказишни ҳам таклиф қиламиз.
3. Республикаимизнинг турли ҳудудларида ҳали куплаб купмиллатли, кўп эллатли корхоналар, жамоалар мавжуд. Шу боисдан улардаги миллатлааро муносабатларининг ҳолатини аниқлаш мақсадида етакчи мутахассислар иштирокида конкрет социологик тадқиқотлар ўтказишни лозим деб ҳисоблаймиз.
4. Республика омавий ахборот воситаларида куп миллатли жамоа, корхоналар туғрисида туркум мақолалар, радиотеле эшиттиришлар амалга оширилишини таклиф қиламиз.

Бизнинг тавсияларимиз:

1. Олий ўқув юртларида И. А. Каримов нинг “Юксак маънавият — енгилмас куч сифатида ҳар ўқув йилида қуйи курсларга дарс сифатида ўтилишини тавсия қиламиз.

2. Миллатлараро муносабатларни янада юқори савияда олиб бориш учун олий укув юртларида иқтидорли, истеъдодли , машхур вакиллари билан талабаларнинг учрашувларини ўтказиб туриш анъанага айлантирилса.

3. Мамлакатимизда яшаётган турли миллат вакиллари машхур адиб , шоирларнинг баддий асарлари, шу халқлар тарихий Ватанлари хақида тарихий асарларни ўзбек тилига таржима қилиб нашр этилишларини тавсия қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
-Т.: “Ўзбекистон“, 2010.
2. “Таълим тугрисидаги “ Ўзбекистон Республикаси олий мажлисининг қонуни .-Т.:” Ўзбекистон“, 1997.
3. Кадерлаш тайёрлаш миллий дастури . –Т: “Ўзбекистон”, 1997.
4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли .- Т.:”Ўзбекистон“, 1992.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон –келажаги буюк давлат . –Т.:”Ўзбекистон“, 1992.
6. Каримов И. А. Ўзбекистон ХХІ аср бусағасида :
Хавфсизликга таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари .
Т.: “Ўзбекистон“. 1997 .
7. Каримов И.А. жамиятимиз мафқураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин . –Т . : “Ўзбекистон“ 1998.
8. Каримов И.А. Баркамол авлод –Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори .Т.:” Ўзбекистон“ , 1997.
9. Каримов.И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда –Т.: “Ўзбекистон 1999.
10. Каримов И.А. миллий истиқлол мафқураси –халқ эътиқоди ва буюк келажакга ишончдир.-Т.:” Ўзбекистон“ 2000.
11. Каримов И.А. Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 10 йиллигига бағишланган тантанали мажлис қатнашчиларига табрик . // Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашамиз . 10 жилд, -Т.:, “Ўзбекистон“ 2002, 181-бет
12. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар , деб ҳисоблашар эди .-Т.:Ўзбекистон“. 2005.
13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон , ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т.:”Ўзбекистон:. 2005

14. Каримов И, А. Юксак маънавият – енгилмас куч – Т. “Маънавият “ , 2008.
15. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга ,келажакка эътибор - Т. ”Ўзбекистон “ . , 2009.
16. Алимова Д. Голованов А .XX аср – муаррих нигоҳида “халқ сузи “ , 2002, 25. июнь.
17. Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхуд Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши . Т.” Шарқ” . , 2000
18. Бобоев Ҳ. Гафуров З. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий маърифий таълимотлар тарихи. Т. “янги аср авлоди “ , 2001.
19. Ватан ва миллат муқаддасдир .Т.” маънавият “ . 2000.
20. Ватан юракдаги жавохир .Т. “Ўқитувчи “ . 2001.
21. Гликерья Ким . Эзгулик ва бахт-содат ғояси . \Миллий ғоя – бизнинг ғоя.-Т;2000, 131-бет.
22. Жалолов А.Мустақиллик маъсулияти. –Т : ” Ўқитувчи “ , 1996.
23. Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар...-Т: “Шарқ”, 1999.
24. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси .-Т “Ўзбекистон “ , 1996.
25. Имомназаров М. Маънавиятимизнинг Такомил босқичлари . –Т. : ”Шарқ “ , 1996.
26. Имомназаров М. Миллий Маънавиятимиз назариясига чизгилар. –Т.: ”Шарқ “ , 1996.
27. Исматуллох Абдуллох. Маънавият ва маърифат .// Миллий тикланиш //, 1996,12-ноябрь.
28. Каримов И .Миллат шаъни . –Т .: “янги аср авлоди “ ,2005.
29. Маврулов А. Маънавий баркамол инсон тарбияси . –Т: “Ўзбекистон”, 2008.
30. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик –тараққиёт омили. – Т.:2003.

31. Миллий ғоя ва рахбар маънавияти . –Т.:2007
32. Мустақиллик .Изоҳли илмий- оммабоп луғат, -Т.:2009.
33. Очилдиев А. Миллатлараро тотувлик- барқарорлик ва тараққиёт омили. –Т .: “Академия”, 2005.. 12-20-бет.
34. Отамуродов С.Отамуродов .С. Ўзбекистонда маънавий- рухий тикланиши. –Т.:и “Янги аср авлоди”. 2003.
35. Тўленов Ж. Ғафуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. –Т.: “Ўзбекистон”. 1996.
36. Хоназаров Қ. Мустақиллик ва миллий муносабатларнинг Ривожланиши. –Т.:2001.
37. Худойбердиев Х., Мамаражапов Ғ. Хозирги даврда этник муносабатларга ёндошувлар //Сурхон воҳасининг ижтимоий- иқтисодий, моддий- маънавий маданияти. Респ. илм.-амал Анжумани мақолалар тўплами. –Термиз, 200-11,
38. Худойбердиев Х. Ўзбекистон мустақиллиги даврида миллатлараро тотувлик //Илм-фан чашмаси 2011,30-сентябрь.
39. Эркаев А. Маънавият- миллат нишони. –Т.: ”маънавият”:, 1999.
40. Эркаев А.Миллий ғоя ва маънавият. –Т.: ”Маънавият”. 2002.

МУНДАРИЖА

КИРИШ:	2-21-б.
1-боб. Миллат тушунчасининг назарий асослари	22-45-б.
1:1. Миллат тушунчасининг мазмун-моҳияти	22-35-б.
1:2. Миллатларнинг шаклланиши ва ривожланиши.	36-45-б.
2-боб. Миллатлараро тотувлик- барқарорлик ва тарақиётнинг омиллари	46-
2:1. Кўп миллатлиликнинг юзага келиши	46-54-б.
2:2. Собиқ иттифокда миллий сиёсат.....	55-60-б.
2:3. Миллий муносабатларга ёндошувлар	61-64-б.
2:4. Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик	65-72-б
2:5. Мустақиллик ва миллий тараққиёт	73-78-б
2:6. Ягона Ватан туйғуси.....	79-83-б.
Хулоса:.....	84-87-б
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	88-90-б.